



## III Тошкент халқаро инвестиция форуми олдидан

## КАТТА САРМОЯ — МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИК

Учинчи бор ўтказилаётган Тошкент халқаро инвестиция форуми мамлакатимиз иқтисодий ҳаётидаги энг нуфузли тадбирлардан бирига айланиб улгурди. Илк бор 2022 йилда ташкил этилган халқаро форум 56 давлатдан 2 мингдан ортиқ иштирокчи — инвестор ва юқори мартабали меҳмонларни жамлаганди. Ўшанда форум чинакам инвестиция, иқтисодиёт байрамига айланиб, йирик тадбиркорлик анжумани сифатида эътироф этилган, хорижий оммавий ахборот воситалари эътиборидан ҳам четда қолмаганди. Форум якунида жами 7,8 миллиард долларлик шартнома ва инвестициявий битимлар пакети имзоланган, қиймати 3,5 миллиард долларлик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича дастлабки келишувларга эришилганди.



## Йирик анжуман меҳмонларни кутиб олишга тайёр

2023 йилги натижалар бундан кам бўлмади. Йилнинг муҳим анжуманида 70 дан ортиқ давлатдан 2,5 мингга яқин меҳмон қатнашди. Форум ишини 200 дан зиёд маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаси вакиллари ёритиб боргани эса анжуман нуфузи халқаро майдонда ҳам ортиб бораётганидан далolat берди.

Шу боис, жорий йилда Тошкент халқаро инвестиция форумига янада жиддий ва пухта тайёргарлик кўриляпти. Бу масала шахсан давлатимиз раҳбари эътиборида, қилинаётган ишлар ҳисоботи билан ҳам танишилди. Ҳукуматнинг форумга пухта тайёргарлик кўриш бўйича фармойиши қабул қилинди.

Ташкилий ишлардан тортиб, анжумани ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг бари ҳисоб-китоб қилинган. Турли тадбирлар режалаштирилган. Юртимиздаги қатор лойиҳаларни ишга тушириш маросими ҳам кутиляпти.

▶ Давоми 2-бетда



## Дунё нигоҳи

Германия Иқтисодий ривожланиш ва ташқи савдо федерал уюшмаси ижрочи директори Урс Ункауф “Дунё” ААга берган интервьюсида жорий йил 2-3 май кунлари бўлиб ўтадиган III Тошкент халқаро инвестиция форумининг аҳамияти ҳақида гапирди.

## Урс УНКАУФ: “ГЕРМАНИЯ КОМПАНИЯЛАРИ

## ЎЗБЕКИСТОНГА УЗОҚ МУДДАТЛИ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ШЕРИК СИФАТИДА ҚАРАЙДИ”

— Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон билан 20 йилдан зиёд вақт мобайнида иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга ҳисса қўшиб келяпмиз. Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида иқтисодиётда изчил ривожланиш кузатишмоқда. Ҳам ҳукумат, ҳам тадбиркорлар ташаббуси билан кўплаб қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Одатда халқаро инвестиция форумларини ўтказишдан мақсад хорижий шерикларни бирлаштириш, уларга иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мавжуд истиқболларни кўрсатиш, турли соҳаларда аниқ лойиҳаларни белгилаб олишдан иборат бўлади.

Халқаро майдонда турли низолар кузатилаётган бир даврда Тошкент халқаро инвестиция форуми ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки мамлакатлар ва халқлар ўртасида ўзаро мулоқот учун кўприк вазифасини айнан иқтисодиёт ўтайди. Учинчи Тошкент инвестиция форуми Марказий Осиёнинг геостратегик аҳамияти жиҳатидан ҳам бу жараёнда долзарб қадам бўлади. 2-3 май кунлари бўлиб ўтадиган халқаро форум бутун Марказий Осиё минтақаси, аynиқса, Ўзбекистонга том маънода катта масъулият юклайди.

Инвестиция форуми иқтисодиёт субъектлари, тадбиркорлар, уюшмалар, иқтисодиёт тараққиётига қўмақлашувчи бирлашмаларни бир жойга жамлаш ва мавжуд имкониятлар ҳақида фикр алмашиш учун жуда муҳим майдондир.

Айни пайтда кўплаб немис компаниялари янги бозорлар излаш, компания портфолиоси ва ташқи иқтисодий стратегияларини диверсификация қилиш жараёнида турибди. Бунда Марказий Осиё минтақасига катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

Марказий Осиёда Ўзбекистон энг кўп аҳолига эга, иқтисодиёти шиддат билан ўсаятган мамлакатдир. Бу ҳақда сўз юритганда, Германия ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо алоқалари мунтазам кучайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Германия компаниялари Ўзбекистонга вақтинчалик иқтисодий ҳамкор ёки бошқа мамлакатлар билан муносабатлар ривожини учун кўприк давлат сифатида эмас, балки узоқ муддатли барқарор иқтисодий шерик сифатида қарайди.

▶ Давоми 2-бетда

## Таҳлил ва таққос



## ҲАМКОРЛИКНИ ҚУРИШДАН ОЛДИН ИСИТИШНИ ҲАМКОРЛИКНИ ҲАМКОРЛИК

## ЭНЕРГИЯТЕЖАМКОРЛИК ИМОРАТ ПОЙДЕВОРИДАН БОШЛАНАДИ

Бобом йигитлик чоғида тоғ этагида нефть кўллари кўрган. Ўша замонларда қазиб олиш саноат даражасида бўлмагани учун нефть булоқдай қайнаб чиқиб ётган. Отамнинг навқирон чоғида эса бензин деярли текин бўлган. Ҳатто ўша вақтдаги тизим тракторчи ва ҳайдовчилар ишини сарфлаган ёнилғисига қараб белгилаган.

Оқибатда ҳайдовчилар тушлик чоғида ҳам техникасини ўчирмаган. Ишчанлигини кўрсатиш учун исрофгарликнинг турли усулларини ўйлаб топган. Гоҳида ёнилғи шунчаки ерга тўкиб юборилган. Болалигимдан ўша гурунларни эшитиб улгайдим. Йигитлик чоғида машинага метан газ тўлдириб учун узоқ навбатда кун ўтказдим. Ўғлим-чи?!

Биз шу тарзда табиий бойликларни ишлатаверсак, набираларимизга у

ҳақдаги афсоналаргина етиб боради. Худди бобом ермойини кўргани каби! Жорий йил 1 майдан бошлаб аҳоли учун электр энергияси ва табиий газ тарифи ўзгариши ҳам бизни табиий бойликларни тежашга ўргатади. Келинг, яхшиси, ушбу ўзгаришдан кўзланган мақсад, соҳадаги айни вазият ва истиқболдаги натижалар ҳақида мулоҳаза юритсак.

▶ Давоми 3-бетда

## ДИЛ ИЗҲОРИ

## ВАТАНИМИЗ ШАРАФИНИ МУНОСИБ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ЙЎЛГА ЧИҚДИК

Шу кунларда Қатарда бўлиб ўтаётган футбол бўйича Осиё кубоги ўйинлари ҳал қилувчи паллага кирди. Кун кеча Президентимиз ушбу нуфузли мусобақада муваффақиятли иштирок этиб, финал йўлланмаси ҳамда шу йил ёзда Парижда ўтказиладиган Олимпия ўйинлари йўлланмасини қўлга киритган Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига ўз табригини йўллади.

Давлатимиз раҳбари табриги ёш футболчиларимиз ва уларнинг мураббийларига катта хурсандчилик улашди ҳамда кўтаринки кайфият бағишлаб, навбатдаги баҳсларда ўзларига бўлган ишонч ҳиссини оширди.

Буни уларнинг қуйидаги дил сўзларидан ҳам сезиш мумкин.



## Темур КАПАДЗЕ, Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси бош мураббийи:

— Ассалому алайкум, муҳтарам Президент. Табрик учун катта раҳмат. Халқимизнинг ишончини оқлаганимиздан жуда хурсандимиз. Албатта, биз ҳам тарихий ғалаба билан Сизни ва халқимизни табриқлаймиз. Чунки бу ғалаба бизга яратиб берилаётган шароит ва имкониятлар мевасидир. Биз шу имкониятлардан унумли фойдаланиб, юртимиз байрогини юқори кўтарганимиздан бахтиёримиз. Олдимизда финал учрашуви турибди. Насиб қилса, юртимизга биринчи ўринни оlib, олтин медаль билан қайтиш ниятидамыз. Қолаверса, Париж Олимпиадасида ҳам голибликни қўлга киритиш мақсадимиз бор.



## Абдувоҳид НЕЪМАТОВ, Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси аъзоси:

— Биз, янги Ўзбекистон фарзандлари янги тарих яратдик — Олимпия ўйинлари йўлланмасини илк бор қўлга киритдик. Бу ғалаба билан, аввало, Президентимизни ва халқимизни жамоамиз аъзолари биргаликда табриқлаймиз. Дарвозамизни жамоадошларимиз билан бирга Ватанни ҳимоя қилгандек қўриқладик. Худо хоҳласа, Олимпия ўйинларида ҳам жамоамиз дарвозаси дахлсизлигини сақлашга ҳаракат қиламиз.

## Аббос ФАЙЗУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси аъзоси:

— Хурматли Президент, бизнинг камтарона меҳнатимизни қадрлаб йўлаган табригинизни бутун жамоамиз билан эшитдик. Бу бизга қўшимча мотивация берди. Худо хоҳласа, финалда ҳам ғалаба қозониб, юртимизга кубок билан қайтамиз.

## Жасур ЖАЛОЛИДДИНОВ, Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси аъзоси:

— Хурматли Президент, бизга йўлаган табригинизни эшитиб, бошимиз осмонга етди. Бу ғалаба, албатта, спортга бўлган эътиборингиз меваси. Биз янги Ўзбекистон фарзандларимиз. Шу юртда яратиб берилаётган шароитлардан унумли фойдаланиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш мақсадида йўлга чиқдик, насиб қилса, Парижда ўтадиган Олимпия ўйинларида ҳам юртимиз шаънини кўкларга кўтарамиз.



## III Тошкент халқаро инвестиция форуми олдида

## КАТТА САРМОЯ — МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИК

## Бошланиши 1-бетда

Чунки 2-3 май кунлари форум доирасида ўтадиган тадбирлар, муҳокама қилинадиган масалалар кўп. Ташриф буюрадиган меҳмонлар сони ҳам икки йилда икки баробар ошган. Бу йил 84 та давлатдан 4 мингдан ортик киши қатнашиши кутилмоқда.

— Иштирокчиларнинг ярмидан кўпи, яъни 2,5 минг нафари хорижий инвестор бўлиб, улар орасида ҳукумат вакиллари, йирик компаниялар раҳбарлари, БМТ, ЕТТБ, ОПЕК, ШХТ каби халқаро ташкилотлардан юқори мартабали меҳмонлар бор. — дейди Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги хузуридаги Хорижий инвестицияларни жалб қилиш агентлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Ришод Истамов. — Чет эллик инвесторларнинг форумда иштирок этишига қизиқиши юқори эканига гувоҳ бўляпмиз. Иштирокчи давлатлар географияси ҳам кенгайиб бормоқда. Хусусан, АҚШ, Хитой, Миср, Сингапур, Саудия Арабистони, Туркия, Қатар, Япония, Ҳиндистон ва бошқа давлатлар, Европа Иттифоқидан қатнашчилар бор. Меҳмонларни муносиб кутиб олиш, форумни юқори савияда ўтказиш учун Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигида идоралараро штаб ишлапти. Пойтахтимизда бир неча кун меҳмон бўладиган хорижий инвесторлар, ишбилармон доира вакиллари учун 10 дан ортик меҳмонхонада 1,5-2 мингга яқин хона банд қилинди. Меҳмонхоналар ва транспорт воситалари рўйхати форум сайтида жойлаштирилган. Умуман, анжуман иштирокчиларига қулайлик яратиш учун барча чоралар кўриломоқда.


## Инвестициялар портфели тўладими?

Тошкент халқаро инвестиция форуми илк марта ўтказилгандаёқ бутун Марказий Осиё учун кенг мулоқот майдонига айланди. Истиқболли шериклар билан мулоқот қилиш, янги келишувларга эришиш бўйича минтақадаги муҳим платформа сифатида эътироф этилиб, халқаро ишбилармон доираларда яхшигина шов-шувга сабаб



## Йирик анжуман меҳмонларни кутиб олишга тайёр

III Тошкент халқаро инвестиция форуми шу каби инвесторлар, бизнес вакиллари учун самарали мулоқот майдонини яратди. Учрашувларда савдо, туризм, инфратузилма, “яшил” иқтисодиёт, тоғ-кон металлургия саноати, қишлоқ хўжалиги ва бошқа кўплаб соҳалар қамраб олинади. Чет эллик ва маҳаллий ишбилармонлар замонамизнинг энг долзарб муаммолари бўйича илгор ва самарали ечимлар топишга қаратилган 40 дан ортик тадбирда иштирок этади.



бўлди. Йирик анжуман хорижлик тадбиркорлар ва халқаро бизнес вакиллари учун мамлакатимизда яратилган шароитларни яққол кўрсатадиган, ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва янада кенгайтириш учун имконият ҳамдир. Аҳамиятлиги, бу имкониятдан фойдаланиш, форумда иштирок этишга қизиқиш билдираётган чет эллик инвесторлар кўп. Дунёнинг етакчи оммавий ахборот воситалари эса ҳар йили тадбирни кенг ёритмоқда.

— Ўзбекистон мазкур тадбирга катта эътибор қаратаётгани қувонарли. Бунинг натижасида форум чет эллик инвесторларни бирлаштириб, барча томонлар учун янги имкониятлар эшигини очмоқда, —

дейди Хитойнинг “СС7” корпорацияси бошқаруви раиси Лун Хайян. — Анжуман Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имижини яхшилашга хизмат қилапти. Умид қиламанки, форум доирасида янги ҳамкорлар топишга эришамиз. Мақсадимиз Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий алоқаларга ижобий ҳисса қўшишдан иборат.

Кўплаб хорижлик инвесторлар мамлакатимизга катта сармоя киритишга қизиқмоқда. Булар қуруқ гап эмаслигини эса охириги йилларда юртимизга кириб келган юзлаб хориж компаниялари мисолида кўриш мумкин. Ҳатто энг чекка ҳудудларида йирик компаниялар иштирокида инвестиция лойиҳалари амалга оширилляпти.

Хўш, чет эллик ишбилармонларни юртимизга чорлаётган жиҳатлар нимада?

Аввало, қўшни ва хориж давлатлари билан яқин, дўстона муносабатлар мустақамланиб бораётганида. Зеро, ўзаро ишонч бор жойда ҳар қандай масалани ечиш мумкин.

Мазкур ишонччи ошираётган бошқа жиҳат ҳам бор. Бу — юртимизда яратилган жозибдор ишбилармонлик ва инвестицион муҳит. Яъни иқтисодиётимизни янада эркинлаштириш, бизнесга кенг йўл очиш, бу борада қонун устуворлиги ва ҳуқуқий кафолатларни мустақамлаш бўйича тизимли ислоҳотлар жадал давом этмоқда. Давлатимиз раҳбари ўтган йилги Тошкент

халқаро инвестиция форумида шу жиҳатларга алоҳида урғу берди ва “Сизлар ўзингиз истаган тинчлик ва барқарорлик, қулай инвестиция муҳити ҳамда зарур кафолатларни айнан бизнинг юртимизда топасиз”, деди иштирокчиларга қарата.

Бунга кўплаб асосли мисоллар келтириш мумкин. Хусусан, қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 12 фоизга туширилиб, хорижий инвесторларнинг ўз акцияларидан оладиган дивидендлари уч йил муддатга солиқдан озод қилинди. Инвесторлар учун зарур бўлган 7 мингдан зиёд хомашё ва товарга божхона божлари, давлатнинг бизнесни тартибга солишга қаратилган 500 та функцисия бекор қилинди.

Ўзбекистоннинг бу борадаги ислоҳотларини хорижлик ишбилармонлар ҳам кузатиб, ишонч ҳосил қилмоқда. Улар, айниқса, мамлакат ички ва ташқи сиёсатида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш фаоллиги, чет эллик сармоядорларнинг ҳуқуқ ҳамда хавфсизлиги давлат томонидан кафолатланаётганидан мамнун.

Шу боис, кейинги етти йилда иқтисодиётимизга жалб қилинган инвестиция ҳажми 78 миллиард доллардан ошиб, деярли 5 баробар кўпайди. Жумладан, 2017 йилда 4,5 миллиард доллар хорижий сармоя киририлган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 22,3 миллиард долларни ташкил этади.

## Энг йирик сармоядор

Тошкент халқаро инвестиция форуми меҳмонлар учун ҳам, мезбонлар учун ҳам манфаатли бўлиши тайин. Ўтган йили анжуман доирасида умумий қиймати 11 миллиард доллардан ортик 164 та инвестиция битими ва шартнома имзоланган эди. Жорий йилда келишувлар портфелини 20 миллиард доллардан ошириш кутилмоқда. Бу иқтисодиётнинг турли

тармоқларида минглаб иш ўрни, аҳоли даромад манбаи, дегани. Муҳими, хориж компаниялари Ўзбекистонга вақтинчалик иқтисодий ҳамкор ёки бошқа давлатлар билан муносабатларни ривожлантириш учун кўприк сифатида эмас, балки узоқ муддатли барқарор иқтисодий шерик сифатида қарамоқда.

— Биз Ўзбекистондаги энг катта инвесторлардан биримиз ва бундан мамнунимиз, — дейди “Acwa Power” компаниясининг Ўзбекистон бўйича менежери Жон Заиди. — Юртингиз биз учун катта бозор. Қисқа муддат ичида мамлакатга 8,9 миллиард доллар сармоя киритдик. Бу ўзаро ишончдан далолат. Айни пайтда “яшил” энергетика секторига 6 ГВт. қувватга эга лойиҳалар рўйбга чиқарилмоқда. Биз, инвесторлар Ўзбекистонни турли дастурлар доирасида ўз олдига қўйган мақсадларига эришишда сармомиз ва лойиҳаларимиз билан қўллаб-қувватлашга тайёримиз. Бу борада ислоҳотлар, яратилган илиқ муҳит бизга ёрдам беради. Тошкент халқаро инвестиция форуми ҳам турли имкониятларни бирлаштиришда муҳим роль ўйнайди.

“Acwa Power” дунёда муқобил энергия манбалари лойиҳаларини амалга оширувчи етакчи компаниялардан бирidir. Энергия портфелига электр станциялари, кўш, шамол, “яшил” водород лойиҳалари қиради. Лойиҳаларнинг жами қуввати 55 ГВт. бўлиб, шундан 24 ГВт. дан ортиги қайта тикланувчи энергия йўналишида. Ўзбекистон компания томонидан Саудия Арабистондан сўнг энг кўп инвестиция лойиҳалари бажарилаётган иккинчи мамлакат. Юртимизда компания иштирокидаги лойиҳалар ҳажми 7,5 миллиард доллардан зиёд.

III Тошкент халқаро инвестиция форуми шу каби инвесторлар, бизнес вакиллари учун самарали мулоқот майдонини яратди. Учрашувларда савдо, туризм, инфратузилма, “яшил” иқтисодиёт, тоғ-кон металлургия саноати, қишлоқ хўжалиги ва бошқа кўплаб соҳалар қамраб олинади. Чет эллик ва маҳаллий ишбилармонлар замонамизнинг энг долзарб муаммолари бўйича илгор ва самарали ечимлар топишга қаратилган 40 дан ортик тадбирда иштирок этади. Хорижлик инвесторлар иштирокида Ўзбекистон ҳудудларига бағишланган алоҳида давра суҳбатлари ташкил этилади. Ҳамкорлик учрашувлари ҳамда мулоқот майдонига айланадиган иқтисодий форумда кўплаб лойиҳалар, йирик инвестицион битимлар имзоланиши шубҳасиз.

Форум доирасида 3 май кунги Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг иккинчи ялпи мажлиси ҳам ўтказилди.

## Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

## Дунё нигоҳи


## Урс Ункауф: “ГЕРМАНИЯ КОМПАНИЯЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНГА УЗОҚ МУДДАТЛИ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ШЕРИК СИФАТИДА ҚАРАЙДИ”

## Бошланиши 1-бетда

Немис компаниялари шерик танлашда алоҳида мамлакатларга эмас, балки ҳамкорликни минтақа миқёсида шакллантиришга катта аҳамият беради. Бу борада Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида жуғрофий жойлашуви, хорижий компаниялар ва тадбиркорлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар жиҳатидан ҳам стратегик аҳамиятга эга позицияни эгаллаши мумкин. Мамлакатда иқтисодий ҳамкорлик учун барча қулай шароитлар яратилган, ҳатто учинчи бозорларга чиқиш борасида ҳамкорлик қилиш учун катта истиқболлар мавжуд. Масалан, немис ва турк компаниялари қўшма лойиҳаларни Ўзбекистонда амалга ошириши мумкин.

Ўтган йилги олий даражадаги қатор учрашувлар, “С5+1” форматида Марказий Осиё — Германия, АҚШ, Хитой, Европа давлатлари билан ўтказилаётган саммитлар бунинг тасдиғидир. Масалан, ўтган йил сентябрь ойида Берлинда бўлиб ўтган Марказий Осиё — Германия саммити ҳам ривожланиб бораётган муносабатларнинг муҳимлигини кўрсатади.

Сийсий-иқтисодий алоқалар бундай суръатда ривожланишининг Ўзбекистон иқтисодиёти учун аҳамияти катта. Ўзбекистон геостратегик жиҳатдан ҳам минтақадаги муҳим давлатдир. Яқин ўтмишга назар ташласак, пандемия туфайли жаҳон иқтисодиётида кузатилган инқирозга қарамай, мамлакат иқтисодиёти ижобий иқтисодий сальдога эришди. Глобал ми-



қёсда кечган COVID пандемияси ортга қолгандан сўнг ҳамкорликнинг янги истиқболлари очилди.

Ўзбекистонга ҳар сафар борганимда мамлакатда юз бераётган катта ўзгаришларнинг гувоҳи бўламан. Нафақат мамлакат пойтахти, балки ҳудудларда ҳам кенг қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Инфратузилма ривожланмоқда, янги таълим муассасалари ва корхоналар бунёд этилмоқда, халқаро компаниялар ваколатхоналари очилмоқда. Германия иқтисодиёти вакиллари, компанияларига барча зарур масалаларда ҳар томонлама кўмак бериляпти.

Германия — Ўзбекистон иқтисодий муносабатларида тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва технологиялари каби соҳалар муҳим ҳамда аънанавий йўналишлардир.

Ўзбекистонга ҳар сафар борганимда мамлакатда юз бераётган катта ўзгаришларнинг гувоҳи бўламан. Нафақат мамлакат пойтахти, балки ҳудудларда ҳам кенг қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Инфратузилма ривожланмоқда, янги таълим муассасалари ва корхоналар бунёд этилмоқда, халқаро компаниялар ваколатхоналари очилмоқда. Германия иқтисодиёти вакиллари, компанияларига барча зарур масалаларда ҳар томонлама кўмак бериляпти.

Ўзбекистондан Германияга кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинади. Ўйлайманки, бу соҳалар келажакда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди ва янада тараққий этади.

Янги соҳалар бўйича муҳим ҳамкорлик шаклланимоқда. Яқинда Ўзбекистон элчихонаси билан ҳамкорликда Германия — Ўзбекистон II тиббиёт форуми, рақамлаштириш ва ахборот технологиялари бўйича



конференция ўтказилди. Тиббиёт, ай-ти ва рақамлаштириш, ишлаб чиқариш саноати соҳалари Германия билан ҳамкорликнинг янги истиқболли соҳаларига айланмоқда.

Германия иқтисодиёти автомобилсозлик соҳасида экспортга йўналтирилган, айни пайтда немис иқтисодиёти учун халқаро иқтисодий ҳамкорлар жуда зарур. Ўзбекистон эса доим Германиянинг узоқ йиллик ишончли ва барқарор иқтисодий ҳамкори бўлиб келган.

Немис компаниялари шерик танлашда алоҳида мамлакатларга эмас, балки ҳамкорликни минтақа миқёсида шакллантиришга катта аҳамият беради. Бу борада Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида жуғрофий жойлашуви, хорижий компаниялар ва тадбиркорлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар жиҳатидан ҳам стратегик аҳамиятга эга позицияни эгаллаши мумкин.

Таъкидлаганимдек, солиқни сақлаш, рақамли иқтисодиёт, тўқимачилик соҳаларида ҳамкорликнинг янги йўналишлари очилмоқда. Жорий йилда Ўзбекистонда тўқимачилик соҳасида халқаро форум бўлиб ўтади. Уюшмамиз немис компанияларини Ўзбекистон бозорига очилган янги имкониятлар ва истиқболли йўналишлар ҳақида мунтазам хабардор қилиб бормоқда. Уларни мамлакатни бориб кўришга, ҳамкорлик истиқболларини ўрганишга чорлайди. Бунга қизиқиш билдирган компаниялар эса ҳамкор мамлакатдаги имкониятларни ўрганади ва бизнес стратегияларини ишлаб чиқишда тавсия этилган мамлакатларни инобатга олади.

Бу жараёнда бизга Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонаси яқиндан кўмаклашяпти. Ўйлайманки, биз биргалликда мамлакатларимиз ўртасида кўплаб янги ўсиш нуқталарини топамиз.

“Дунё” АА  
Берлин шаҳри

Таҳлил ва таққос

ҲАМ ҚУРИШДА ШУ КАБИ ТЕЖАМКОРЛИКНИ ЎРГАТАДИ. Яъни жамиятда энергия ниманинг эвазига, қандай етказиб берилаётгани ҳақида тўла тушунча пайдо бўлади. Албатта, ҳозир ҳам бу ҳақда тасаввуримиз бор. Лекин инсон қиймати баланд нарса кўпроқ қадрлаши ҳам бор ҳақиқат.

ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОРЛИК ИМОРАТ ПОЙДЕВОРИДАН БОШЛАНАДИ



**Боборовшан ҒОЗИДДИНОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

**БУГУН БИЗ Фойдаланаётган энергия, асосан, нефть маҳсулотлари ва газ ёқиш эвазига ишлаб чиқарилмоқда. Бу, биринчидан, табиатга катта зарар келтирмоқда. Қолаверса, табиий бойликларни исроф этишимизга олиб келяпти. Шу боис, юртимизда яшил энергетикани рағбатлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бугун кўплаб ижтимоий объектлар қуёш панели ёрдамида ўзини ўзи энергия билан таъминляпти.**




чамиздаги симёғочлар тўлиқ янгиланиб, изолятлар уйимизгача кириб боради. Шу билан бирга, янги тариф бизни тежамкорликка ўргатади.

**БИЗ ҚАНЧАЛИК ТЕЖАМКОРМИЗ?**

Олдида оққан сувни қадрлашмаслик иллати инсон табиатида бор. Шу сабаб муқаддас манбаларда исрофгарлик қаттиқ қоралangan. Ана шундай китоблардан таълим олган улугларимиз исрофгарликни кўрса, увули уради, дея ёшларни огоҳлантирган, тўғри йўл кўрсатган. Аммо биз кейинги вақтларда бунга кўп ҳам эътибор бермай қўйдик. Масалан, юқори қаватга пайда чиқиш соғлиғимиз учун ҳам, энергия тежамкорлиги жиҳатидан ҳам фойдали. Биз эса иккинчи қаватга чиқиш учун ҳам лифтдан фойдаланамиз.

Олис тумандаги янги бино очилиши ҳақидаги лавҳани кўрдим. Унда кўл ювиш жойини кўрсатиш учун сув жўмраги очиб қўйилган эди. Қизик, сув оқибди қўйилмас, бинонинг қиймати тушиб кетадими ёки унда сув борлигига ишонмаймизми? Нега шундай жиҳатларга бефарқмиз? Ахир “Тома-тома кўл бўлур” деган гап бор-ку. Ҳолбуки, табиий бойликлар фақат бизга тегишли мулк эмас, у умуминсониятга тортиқ этилган. Демак, уларни ортиқча сарфлаётганимизда бошқаларнинг ҳақида хиёнат қилган бўламиз. Ўзгалар ҳақидан кўрмаслик, исрофга ўрганиш эса каттароқ йўқотишларга кўл уришга сабаб бўлади.

Яқинда оммавий ахборот воситаларида ноқонуний фойдаланиш “майнинг фермаси” ҳақида хабар тарқалди. Унга кўра, Сурхондарё вилояти Бойсун туманида яшовчи фуқаро туман электр тармоқлари билан шартнома тузмасдан, 2 та фаол майнинг қурилмаси ўрнатган. Оқибатда электр тармоғидан ноқонуний фойдаланиб, 276 миллион 480 минг сўм миқдорда моддий зарар етказган. Афсуски, бундай хабарларга тез-тез дуч келяпмиз. Юқоридagi ҳолат ҳақида шу йил март ойи аввалида хабар берилган. Утган йил охирида эса самарқандлик “ишбилармон” худди шундай йўл билан электр тармоғидан ноқонуний фойдаланиб, давлатга 4 миллиард сўмга яқин моддий зарар етказган. Жорий йил январдаги хабарда яна бир юртдошимизнинг 2 миллиард сўмлик зиён куёш панелини оммалашмапти?



лаб ўтиргани йўқ. Бундай кимсалар тез-тез аниқланаётгани эса жамиятда имкон бўлса, текин фойдаланиш кайфияти борлигини билдиради. Бу бўлишлари қонун устуворлигини таъминлаш, тежамкорлик тарғиботи орқали тўлдириш мумкин. Юқорида замонавий ҳисоблагичлар тўлов маданиятимизни шакллантираётгани ҳақида сўз очгандик. Нархлардаги ўсиш

ҳам худди шу каби тежамкорликни ўргатади. Яъни жамиятда энергия ниманинг эвазига, қандай етказиб берилаётгани ҳақида тўла тушунча пайдо бўлади. Албатта, ҳозир ҳам бу ҳақда тасаввуримиз бор. Лекин инсон қиймати баланд нарса кўпроқ қадрлаши ҳам бор ҳақиқат.

**ЭНЕРГЕТИКАДАГИ ЭРКИН БОЗОР НИМА БЕРАДИ?**

Гапимиз аввалида бозордаги мувозанат ҳақида фикр юритган эдик. Энергетика бозори ҳам том маънода эркин бўлса, рақобатчи кўпаяди. Ички бозор ривожланади. Сармоядорлар соҳага пул тика бошлайдилар. Бугун биз фойдаланаётган энергия, асосан, нефть маҳсулотлари ва газ ёқиш эвазига ишлаб чиқарилмоқда. Бу, биринчидан, табиатга катта зарар келтирмоқда. Қолаверса, табиий бойликларни исроф этишимизга олиб келяпти. Шу боис, юртимизда яшил энергетикани рағбатлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бугун кўплаб ижтимоий объектлар қуёш панели ёрдамида ўзини ўзи энергия билан таъминляпти. Аммо аҳоли орасида бу кенг тарқалгани йўқ. Ваҳоланки, уни сотиб олиш ва ўрна-



тиш учун имтиёз белгиланган. Ҳатто ортиқча энергияни давлат сотиб олиши учун қонуний асос яратилган. Ҳўш, унда нега куёш панелини оммалашмапти? — Аввало, куёш панели арзон матоҳ эмас. Сотувчи ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатни қоплаш учун устига устига нарх кўяди, — дейди энергетика соҳаси бўйича тадқиқотчи Сарвар Қурбонов. — Куёш панели ўрнатиш ўртаҳол оила учун айни пайтда қимматлик қилади. Бундай оилалар учун бирдан катта чиқим қилиши ёки ойма-ой кредит тўлаб юриш

электр таъминотида узилишлар бор. Оқибатда ўтин билан ишлатилган уйга ҳам энергия кўп сарфланади. Уй қуришдан аввал унга куёш нури тушиши, девор ва томининг иссиқ-совуқ ўтказиш даражасини ҳисобга олишимиз керак. Ҳозир қурилиш бозорида энергия тежамкор маҳсулотлар кириб келди. Баъзи юртдошларимиз бундан фойдаланяпти. Улар қатори ўзим ҳам синовдан ўтказдим. Самараси жуда яхши. Ҳашаматга эмас, тежамкорликка кўпроқ эътибор бера бошласак, энергия соҳасида яхши натижага эришамиз. Ўтин ёки кўмир билан ишлатилган уйлارга сарф этилаётган маблағ тенг ярмига тежалади. Фақат бунинг учун уй қуришга илмий ёндашиш, соҳа мутахассисларидан маслаҳат олиш керак. Мавзуни ўрганиб, ёзишга киришаётганимизда энергетика соҳасини таҳлил этиб, кенг очиб беришни мақсад қилган эдим. Аммо жараёнда барчаси ўзгариб кетди. Таҳлил этишга киришимиз сари оғриқли нуқталаримиз кўп экани ойдинлаша борди. Айниқса, Сарвар ақанинг гапларидан сўнг уйга толдим. Очиги, шу пайтгача уй қуришдан аввал уни иситиш билан боғлиқ жиҳатларни ўрганган бирор кишига дуч келмаган эканман. Ҳатто бу ҳақда эшитганим ҳам йўқ. Тежамкорлик деганда эса фақат электр ёки газни беҳуда ёқиб қўймасликни тушунамиз. Ҳа, бу ҳам тежамкорлик, унга бепарво қараб бўлмайди. Аммо уй пойдеворини барпо этишдан аввал энергия тежамкорлигини бошлашимиз керак экан. Шулар ҳақида ўйлаб, истеъмолчи сифатида энергия соҳасини битта мақолада таҳлил этиш имконини эканини тушундим. Айни пайтда истеъмол маданиятини шакллантириш ҳам бирдан содир бўладиган ҳодиса эмаслигини англадим. Бозор қонуниятлари аста-секинлик билан бизга ана шу маданиятни ўргатади. Харидор раста оралаб юрар экан, арзон ва сифатли маҳсулотни топишни ўрганади. Унинг қадри ҳам шунга яраша бўлади.

**Бошланиши 1-бетда**

**НАРХ ОШИШИГА ҚАНДАЙ ЗАРУРАТ БОР ЭДИ?**

Дунё табиий мувозанат устига қурилган. Масалан, даракта совуқ ҳам, қуёшли кунлар ҳам бирдек зарур. Қиш бўлмаса, даракт ухламаслиги, тез қаришини билан. Инсон таваққури билан яратилган соҳаларда ҳам шу мувозанат ишлайди. Агар қайсибир соҳада, айниқса, бозорда тенглик ўзгарса, ўша йўналишдаги ишларда чалқашлик кўпаяди. Соҳада оқсоқлик кузатилади. Жумладан, энергетика бозорида ҳам. Биз эса узоқ йиллар энергетикадан истеъмолчи фойдаландик. Оқибатда ис- таганизмизча фойдаланиш имконини бой бердик. Масалан, яқин-яқингача тўлов тизими абгор ҳолатда эди. Яхши эслаймиз: туман электр тармоқлари ходимлари уйма-уй юриб, ишлатилган энергия пулини ундирарди. Улар ноқонуний улаишини ҳам текширар, аксарият ҳолларда бундай қонунбузарлик олди-берди орқали ёпиларди. Ўз-ўзидан тўловлар тўланадиган давлат газ-насига етиб бормаган. Бунинг жабрини ҳам ўзимиз чекардик.

Масалан, тармоқда узилиш жуда кўп бўларди. Айниқса, қишда чироқ нималигини билмасдик. Агар маҳалламиз трансформатори ишдан чиққудай бўлса, аҳоли пул йиғиб, мутахассис чақириб, уларнинг тушлигига бериб тузаттирарди. Нега давлат тузаттирмайди, деган саволга жавобан туман электр тармоғи ҳисобида пул йўқлигини айтиларди. Ақлли ҳисоблагичлар ўрнатилгач, муаммо барҳам топди. Ҳозир ҳисобингизда пул тугаса, автоматик равишда тармоқдан узиласиз. Шу тариха халқимиз тўлов маданиятини ҳам ўзлаштирди.

Энди савол туғилади: биз энергетика тизимига олдиндан пул тўлаётган эканмиз, нега тармоқда узилиш ҳамон кузатишмоқда? Гап шундаки, юз фоиз олдиндан пул тўласак ҳам бозор мувозанати тикланмаган. Чунки энергияни ишлаб чиқаришдан истеъмолга етказиб бергунгача кетадиган харажат билан унга тўланадиган ҳақ ўрта-сида катта тафовут бор эди.

Сўнгги маълумотларга кўра, 1 куб метр газнинг таннари 1890 сўм, 1 киловатт-соат электр энергияси таннари эса 970 сўмдан тушмоқда. Биз эса 1 киловатт-соат электр энергияси учун 295 сўм, табиий газнинг бир куб метрига 380 сўмдан ҳақ тўлаётган эдик. Ўртадаги фарқ эса давлат ажратган субсидия ҳисобига қопланган.

Аҳоли учун сарфланаётган маблағ миқдорини тасаввур қилиш учун рақамларга юзлансак. Бир истеъмолчи оилага ўртача 200 киловатт-соат электр энергияси ишлатса, давлат унинг учун 135 минг сўм субсидия берган. Утган йили куздаги ҳисобга кўра, мамлакатдаги истеъмолчилар сони 7,4 миллионни ташкил этган. Энди 135 минг сўмни ушбу хонадонлар сонига кўпайтириш. Қарийб бир триллион сўм! Табиий газ билан

боғлиқ ҳолатда ҳам худди шундай катта тафовут бор. Яъни аҳолига электр энергияси ва табиий газ истеъмоли учун ўртача 14 триллион сўмдан ортиқ субсидия ажратилган. Янги тариф орқали мазкур фарқ қисқаради. Энди бюджетдан субсидия учун сарфланаётган маблағ соҳа ривожига йўналтирилади. Шу орқали бозордаги табиий мувозанат тикланади. Бозор обод бўлган жойда сотувчи кўпаяди, маҳсулот сифати ошади. Харидор эса сифатли ва нисбатан арзон маҳсулотга талабгор бўлади. Мухими,

Бунга эришиш эса ўз-ўзидан бўлгани йўқ. — Соҳада босқичма-босқич янгилаш ва таъмирлаш ишлари бажарилмоқда, — дейди Энергетика вазирлиги матбуот котиби Ҳасан Тохтўжаев. — Масалан, ўтган йили энергетикага 14,5 триллион сўм ажратилган. Шунинг ҳисобидан соҳада қилиниши керак бўлган таъмирлаш ишларининг 18-20 фоизи бажарилди. Жумладан, мамлакат бўйлаб 100 та подстанция таъмирланди, янгилари ўрнатилди. Ҳақ бир мингдан ортиқ трансформатор таъмирланди, 34 минг



узоқ йиллар давомида ўзгаришга муҳтож бўлган соҳадаги изолятларни изчил давом эттириш имкони кенгайди.

**ЭНДИ ЧИРОҒИМИЗ ЎЧМАЙДИМИ?**

Адашмасам, 2017 йиллар эди. Тошкент вилоятига кўчиб келганимизга энди иккинчи йил бўлганди. Озгина шамол эса ҳам маҳалламиз электр таъминотида узилиш кузатилади, ёмғир-қор давоми ёғаверса, баъзан бир соат, баъзан ярим кунлаб чироқ ёнмасди. Утган йили маҳалламизнинг ярмига янги симёғоч ўрнатилди. Ёпиқ сим тортилиб, йўқотиш қамайтирилди. Аммо иш охирига етказилгани йўқ. Маҳалламизнинг қолган ярмидаги симёғочларни ҳам алмаштириб, тармоқни янгилаш керак. Бу иш қанчон бажарилиши номаълум. Ҳар куни дарвозадан чиқиб, кўчадаги эски симёғочни кўрганимда шу ҳақда ўйлайман. Мазкурларга учрашсан, мана, аҳвол энг оғир қисми янгиланган бўлиб, қолган жойлар ҳам навбати билан ҳал бўлади, дейди. Дарҳақиқат, бир қисми янгиланиши билан муаммо анча енгиллашди. Унча-мунча шамолга чироқ ўчмайдиган бўлди. Шу каби мисоллар олиб Қорақалпоғистон ёки Сурхон воҳаси, Фарғона водийсида ҳам бисёр.

километрлик узатиш тармоғи тортилди. Бир нечта янги генерация ишга туширилди. Натижада тармоққа умумий 2067 мегаватт янги қувват қўшилиб, жами қувват 21,7 гигаваттга етди. Шунга қарамай, асосий вазифа олдинда турибди. Бунинг учун, албатта, вақт ва маблағ керак. Чунки электр энергияси етказиб бериш соҳасида “износ”, яъни эскириб кетганлик даражаси қарийб 40 фоизни ташкил қилади. Ҳозир 274 минг километр электр тармоғи мавжуд. Шундан 122 минг километри, яъни 44,5 фоизи эскирган. Қолаверса, 94 мингдан зиёд трансформатордан 33 мингтаси эски. Мана шулар эвазига тармоқда ҳамон узилиш кузатиляпти. Бу йил вазият аввалги йиллардагига нисбатан анча яхшиланди. Мамлакат миқёсида олсак, 2022/2023 куз-қиш мавсумида 7943 та авариявий ўчиш ҳолати бўлган эди. 2023/2024 йилги куз-қиш мавсумида мана шундай ҳолат 1259 тага, яъни қарийб 6,5 баробар қисқарди. 18-20 фоиз атрофида қилинган иш билан шунча натижага эришилди. Бу ишлар келгусида ҳам давом эттирилади. Натижада тармоқдаги узилишлар барҳам топади. Тўғри, бу бир кунда бўладиган иш эмас. Юқорида айтилганидай муайян муддат керак. Янги тарифга кўра, бюджетдан тежаландиган маблағ соҳа изолати учун йўналтирилса, ишлар кўлами анча кенгайди. Кў-



## АГРОТАРМОҚ

## ТУПРОҚНИ БОШҚАРИШ

## ФЕРМЕРЛАРГА НИМА БЕРАДИ?

Тупроқ инсонни озиқ-овқат билан таъминлайдиган асосий омил бўлиб, уни асраш табиий мажбуриятимиздир. Авваллари унинг таркиби, унумдорлиги, турли зарарлишлардан ҳимоялаш ҳақида сўз борарди. Бугунга келиб, тупроқни бошқариш ҳақида гапиряптимиз. Яъни кишлоқ хўжалигида жорий этилаётган энг илғор технологиялар ана шундай имконият, янгича ёндашувларга йўл очмоқда. Ҳамкорликдаги халқаро лойиҳалар эса сайёрамазанинг умумий экологик муҳитини асраш йўлидаги мақсадларимизга уйғун.

Этибор мамлакатимиздаги тупроқ сифатини яхшилаш, унумдорлиги ҳамда ноқулай таъсирларга чидамчилигини ошириш каби чоралар орқали фермерлар даромади ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни назарда тутди. Шунингдек, тупроқ ҳолатини кузатиш ва баҳолашнинг ишончли усуллари ишлаб чиқилиб, бу орқали ернинг юза қатламидagi углерод захирасини кўпайтириш чоралари кўрилади. Лойиҳа доирасида иссиқхона гази таъсирини юмшатиш ва ҳисоблаб чиқилиш кўзда тутилган.

— “RECSOIL” ташаббуси Глобал экологик жамғарма (GEF) молиялаштирилган ФАО-нинг Ўзбекистондаги иккита лойиҳаси билан ҳамкорликда амалга оширилади, — дейди Тупроқ саломатлиги ва иқлим ўзгариши бўйича маслаҳатчи Микаэла Браун. — Булар “Марказий Осиё ва Туркиянинг қуруқчилик ва шўрланган кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ланшафтларида табиий ресурсларни комплекс бошқариш” (CACILM-2) ҳамда “Ўзбекистоннинг қуруқчиликка учраган экотизимда янгов ва ўрмонларни барқарор бошқариш” лойиҳаларидир. Кейинги йиллар-

да ушбу лойиҳалар доирасида қуруқчиликка мойил ҳудудларда ресурс тежашнинг илғор усулларидан фойдаланган ҳолда кишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлашда юқори натижаларга эришилди. Лойиҳалар бугун фермер хўжаликларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда даромадини оширишга ҳисса қўшмоқда. Шунингдек, ер деградациясидagi мувозанатни сақламоқда.

“RECSOIL” лойиҳаси бир неча йил давом этади. Бу даврда тупроқни барқарор бошқариш усуллари жорий этилади ва назорат қилинади. Ташаббусни рўёбга чиқариш учун Бухоро ва Навоий вилоятлари танланган тасодиф эмас. Аввалроқ бу ҳудудлар ўрғанилганда янгов ҳолатининг мақсадли ерларда 42, миллил миқёсда 21 фоиз камайгани аниқланган. Шу сабабли бошқа бир лойиҳа доирасида ер деградациясини мувозанатга солиш ҳаракати учун танлаб олинган. Энди иккита ташаббус доирасидаги ишлар мазкур ҳудудларда бирга бажарилади.

Мутахассисларнинг айтишича, айна пайтда Бухоро ва Навоийда тупроқ шўрланганини бартараф этиш ва тупроқ таркибидagi

органик моддаларни кўпайтириш бўйича тупроқни барқарор бошқариш амалиёти юзасидан муҳокамалар олиб бориляпти. Тупроқ сифатини яхшилаш учун бир қанча муваффақиятли усул ҳам тақлиф қилинган. Масалан, шўрланганда мойил тупроқда умумий бўғлашнинг камайиши учун мулчалаш, ўсимлик қопламани яхшилаш учун яйловларда ротация (чорвани алмашиб ўтлатиш) тизимини

## ТУПРОҚ СИФАТИ МУНТАЗАМ МОНИТОРИНГ ҚИЛИНАДИ

Углерод диоксиди атмосфера ва тупроқ ҳавосининг доимий компонентидир. Унинг тупроқ таркибидagi миқдори атмосферага чиқаятган ис газидан кўпроқ бўлса, тупроқда органик модда ва гумус ортаётганидан далолат.



табқ қилиш, эрозияни камайириш учун бута ва дарактлар экиш тақлифи шулар жумласидан.



Демак, тупроқда углерод қанча узоқ муддат сақланса, унумдорлиги ва сифати шунча юқори бўлади. “RECSOIL” ташаббусида белгиланган вазифалардан бири ҳам тупроқда углеродни боғлаш (секвестрацияси) амалиётидир.

— Бунга ўсимлик қопламани кўпайтирадиган, органик моддаларнинг тупроқ юқори қатламига қўшилишини кучайтирадиган ҳамда тупроқдаги микроблар ҳаётини ривожлантиришга ёрдам берадиган бошқарув усуллари орқали эришилади, — дейди Глобал экологик жамғарма (ГЭФ) лойиҳаларида Глобал тупроқ ҳамкорлиги воситаларини интеграциялаш жараёнида барқарор тупроқни бошқариш бўйича маслаҳатчи Мария Васкес. — Тупроқдаги ис гази чиқиндисининг микроблар парчаланиш жараёнини секинлаштириш амалиёти шулар жумласидан. Бу жараён қатор омиллар, хусусан, юқори ҳарорат ва тупроққа ишлов бериш чоғида кислотанинг микробларга таъсирга боғлиқ. Мазкур тажриба тупроқ таркибиди камироннинг минималлаштириш билан бирга доимий равишда углерод боғланганини жорий этиш ва узоқ муддат сақлашга кўмаклашади. Аммо тупроқни мунтазам зарарлайдиган омиллар фақат углерод чиқиндиларидан иборат эмас. Улар қаторига чорвачилиқдан чиқадиган метан чиқиндисини, ёнилги ис гази чиқиндисини, ўғитлардан ортиқча фойдаланиш туфайли юзага келадиган азот оксиди чиқиндисини ва бош-

қалар ҳам қиради. Шу боис, жараёнда қорамол сони, унумдорлиги, чорвани боқиб ҳам пухта режалаштирилади ва ҳисоба олинади. Бундан ташқари, оғир техникалардан фойдаланишни ҳам тегишли тартибда баҳолаб, оптималлаштириш режа қилинган. Кишлоқ хўжалигида оғир техникалардан фойдаланишни чеклаш иккита томонлама таъсирга эга: тупроқдаги углеродни боғлаш қўллаб-қувватлаш учун тупроқ тузилишини сақлаб қолиш ҳамда бир вақтинч ўзида ис гази чиқиндисини камайириш.

Шундай қилиб, “RECSOIL” ташаббусининг дастлабки босқичида тупроқни барқарор бошқариш усуллари яратилди. Кейин эса ана шу усулларнинг лойиҳа ҳудудидagi тупроқ сифати таъсир баҳолаб, доимий мониторинг йўлга қўйилди. Лойиҳа давомида мазкур бошқарув усуллари қўллаш учун фермерларни моддий рағбатлантириш ҳам назарда тутилган.

Мониторинг воситалари манфаатдор томонлар ва фермерларга муҳим маълумотларни тақдим этиб, келажакдаги бошқарув қарорлари учун асос бўлиб хизмат қилиши кўтилмоқда. Тўпланадиган натижалар ва аниқландиган ўлчовлар келгусида иқлим ўзгариши билан боғлиқ бошқа муаммолар ечимида ҳам асқатади. Айна пайтда иккита ҳудудни қамраб олаётган лойиҳа муваффақиятли амалга оширилади, бошқа вилоятларда ҳам жорий этилади.

## Ирода АНВАРЖОН ҚИЗИ, журналист

Юртимизда иккита йирик халқаро тизим — БМТнинг Озиқ-овқат ва кишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ҳамда Глобал тупроқ ҳамкорлиги (GSP) билан биргаликда “RECSOIL” ташаббуси амалга оширилмоқда. Пилот лойиҳанинг дастлабки босқичи жорий йил баҳор ойидан ишга туширилиб, бунинг учун Бухоро ва Навоий вилоятлари танлаб олинди.

Халқаро ташаббус мақсади тупроқни барқарор бошқариш амалиёти орқали иқлим ўзгариши муаммоларига самарали ечимлар тақлиф этишга қаратилган. Бунда асосий

## МУАММО ЖИДДИЙ

Тупроқнинг нураган тоғ жинсларидан энг катта фарқи унумдорлигидadir. Ана шу унумдор юзада инсон учун зарур озиқ-овқат маҳсулотининг 95 фоизга яқини етиштирилади. Демак, тупроқдан самарали фойдаланиш ва унумдорлигини ошириш нафақат кишлоқ хўжалиги соҳасининг бир қисми, балки мамлакат миқёсидagi долзарб масаладир. Давлат дастурида тупроқни ҳимояловчи агротехнологиялардан фойдаланиш, ер устки қисмининг доим қоплама билан қопланиши, тупроқ ифлосланиши ҳамда микрофлораси йўқолишининг олдини олиш мониторингини йўлга қўйиш каби вазифалар белгилангани боиси ҳам шундай.

Сайёрамазда ер ресурсларига табиий ва антропоген таъсир ортиб борапти. Натижада деградация жараёни фаоллашди. Бу ҳозир глобал муаммо бўлиб, ҳеч бир минтақа ёки давлат ўзини мазкур муаммодан тўлиқ холи, ҳимояланган деб ҳисоблай олмайди. Бундай салбий ҳолат юртимиз кишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган тупроқда ҳам мавжуд. Шўрланги, эрозия, гумус ва озуқа элементлари камайиши, турли кимёвий воситалар билан ифлосланиш каби оқибатларни ҳам шулар сирасига киритиш мумкин.

ФАО маълумотига кўра, Ўзбекистон ҳудудининг тахминан 29 фоизи чўланиш, ер деградацияси ва қуруқчиликдан зарарлан-

моқда. Деградациянинг асосий омиллари қаторига эса тупроқ ва ўсимлик унумдорлиги пасайиши, шўрланиш кўпайиши, ифлосланиш ва инвазив турлар пайдо бўлиши, шунингдек, экотизим ёмонлашуви олиб борадиган ҳолатлар қиради.

— Кейинги таҳлилларга кўра, шўрланиш Ўзбекистондаги 21,507 миллион гектар майдонга таъсир қилган, — дейди Микаэла Браун. — Суғориладиган ернинг иккиталиги (антропоген) шўрланиши ва ботқоқланиши тупроқ унумдорлигига кучли таъсир солмоқда. Суғориладиган ернинг 49 фоизи иккиталиги шўрланишга учраган, 27 фоизда ер ости суви сатҳи 2 метр ва ундан



Қишлоғимиз чеккасидаги зовур бўйи Тулкитепа деб аталарди. Айтишларича, бу ерлар бир пайтлар тулкилар макони бўлган. Эътибордан четда қолган, овлоқ ва қаровсиз жой бўлгани учун турли чиқиндилар билан тўлиб-тошганди... Яқинда ўша ерга бордим. Фермер сайё-ҳаракати билан қаровсиз тепалик ўрнида янги бог-роғлар барпо этилибди. Баравж ривожланаётган мевали дарактлар, сабзавот, полиз экинларини кўриб, кўз қувнайдим. Мўъжаз богда ўндан ортиқ асалари қутиси жойлаштирилган. Бол йиғаётган асаларилар гўжгон ўйнайди...

— Шу кунга қадар хўжалигимиз эҳтиёжи учун керакли сабзавот ва полиз экинларини бозордан сотиб олишга мажбур эдик, — дейди Раштон туманидаги “Амиробод жавоҳири” фермер хўжалиги раҳбари Абдуқодир Ниёзов. — Бу ортиқча оворагарчилик ва чикимга сабаб бўларди. Дала четидagi қаровсиз ерларни ўзлаштириш борасидagi сайё-ҳаракатлар ишимиз унумдорлигини оширяпти. Ёзёвон туманидаги “Ҳамкор Намуна” фермер хўжалиги сайё-ҳаракати билан зовур бўйидаги бўш майдонда бунёд этилган иссиқхонада помидор етиштириляпти. Махсулотлар, аввало, фермер хўжалиги аъзолари эҳтиёжи учун ишлатилляпти. Ортгани ички бозорга чиқарилади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, биринчи ҳосилнинг ўзидан 80 миллион сўмдан ортиқ даромад олиш кўзда тутилган.

Дунё озиқ-овқат бозорини талаб ва тақлиф бирлаштириб туради. Бир маҳсулот сотса, иккинчиси харид қилади. Бу — ҳаёт ҳақиқати. Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига талаби ортиб бораётгани нобатта олинса, экин майдонларидан самарали фойдаланиш, махсулот етиштириш ҳамда ва сифатини ошириш ўта муҳим. Чунки ер — энг катта бойлик, унинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланиш зарур. Президентимизнинг

“Қишлоқ хўжалиги корхоналари дала четларидаги ер майдонларида махсулот етиштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори бу борада янги имконият эшикларини очди. Фаргона вилоятида дала четидagi қаровсиз ерларни ўзлаштириш, сабзавот ва мевали экинлар экиш орқали қўшимча даромад олиш ҳисобига аҳоли дастурхонини учун сархил сабзавот ва полиз экинлари етиштириш ҳажмини ошириш, сифатини яхшилашда ўзига хос тажрибалар оммалашиб бормоқда. Ўтган йилнинг ўзида вилоятдаги фермер хўжаликлари дала четидagi 2644 гектар ернинг фойдаланишга киритиш орқали 2 миллион 460 минг туп туп, 432 минг туп узум, 4 миллион 469 минг туп терак қўчати қадалди. Шунингдек, 651 гектарга ошқоқов, тарвуз, қовун, 95 гектарга сабзавот ва 65 гектарга бошқа турдаги кишлоқ хўжалиги махсулотлари экилди. Бунинг ҳисобига 7815 тонна полиз, 1283 тонна сабзавот экини ҳамда 157 тонна бошқа турдаги кишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштирилди.

Шу пайтга қадар бундай имкониятдан фойдаланилмаган. Янги тизим туфайли пишиқ этилган ҳосилни, аввало, аҳоли дастурхонига етказиш, қолган қисмини бозорга олиб чиқиб сотиш имкони вужудга келяпти. Эзгу ташаббус ортидан янги тўртзорлар, борроғлар барпо этилмоқда. Асаларчилик, чорвачилик тармоқлари ривожланиб, ҳудудлар оبود ва файзли бўлиб бормоқда.

— Шу кунга қадар дала четидagi фойдаланмаганимиз. Ер қаровсиз, ўз ҳолга ташлаб қўйилгани боис, ўт-ўландин бошқа нарса кўкармасди, — дейди Бағдод туманидаги “Абдумутал Мадаминов” номли фермер хўжалиги иш бошқарувчиси Абдушуккур Абдумуталипов. — Бугунги манзара ва ҳолат ўз-

юқорилаган. Ана шундай муаммолари рақамлар соҳа мутахассислари олдида аниқ чора-тадбирлар, замонавий ёндашувларни қўллаш вазифасини қўймоқда. ФАО Глобал тупроқ ҳамкорлиги (GSP) тўплаган миллил маълумотларга таяниб, тупроқ унумдорлигининг асосий кўрсаткичи бўлган тупроқ таркибидagi органик моддалар харитасини (SOM) ишлаб чиқди. Унда кўрсатилишча, Ўзбекистон тупроғида органик моддалар миқдори нисбатан паст бўлиб, устки 30 сантиметрик қатламда 0,5-0,8 фоизни ташкил қилади. Гумуснинг бундай паст кўрсаткичи қисман иқлим шароитига боғлиқ бўлса-да, 1980 йилдан буён бу кўрсаткич 1,3-1,5 баробар камайган. Тупроқда органик моддалар ва углерод миқдорини кўпайтириш усуллари қўллаш иссиқхона гази чиқиндисини

камайириш билан бирга тупроқ унумдорлигини оширишга ёрдам беради.

Ҳаҳон тупроқ харитасининг 5-принципинга мувофиқ, тупроқ тақдим этадиган қўллаб-қувватловчи, таъминловчи, тартибга солувчи ва маданий хизматлар тупроқнинг функциялари ҳамда биологик хилма-хиллики сезиларли даражада бузмасдан сақлаб қолса ёки яхшиласса, тупроқни бошқариш барқарор деб баҳоланади.

Хўш, тупроқни барқарор бошқариш нима учун керак? Мутахассиснинг тушуниришича, кишлоқ хўжалигини бошқаришнинг қўллаб амалиёти тупроқ ресурслари деградациясига олиб келиб, шўрланиш ёки эрозия каби муаммоларни кучайтиради. Тупроқни барқарор бошқариш амалиёти эса бу жараёнларнинг олдини олиш, ҳатто деградацияни қайтариши мумкин. Бошқариш амалиётини ташлашда ҳар бир ҳудуднинг иқлим ва ижтимоий-иқтисодий шароити инobatта олинмиш керак. Масалан, ўсимлик эрозияни йўқ майдон кенгайтириш сабабли қопламани кенг тарқалган жойларда тупроқни сақлаб қолтириш учун ўсимлик қопламани кўпайтириш мумкин. Қоплаверса, фермерлар учун моддий-техник таъсирларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Чунки тупроқни барқарор бошқариш амалиёти асосан молиявий чиқимлар ёки ортиқча меҳнат талаб қилмасдан фермерларга фойда келтириши назарда тутилган.

## Янгича ёндашувлар

## ДАЛА ЧЕТИДАГИ ХАЗИНА



гарди. 242 гектар ерда, асосан, пахта ва галла етиштирганимиз боис, ҳар қарич ер ҳисобли. Дала четидagi қаровсиз ердан мақсадли фойдаланиш борасидagi ишлар туфайли шу кунга қадар 16 гектар янги екин майдонини очилди. Шу ерга 20 минг туп терак ва мевали қўчат эдик. Бир гектарда балчиқчилик ҳамда богдорчилик тармоғи фаолиятини йўлга қўйдик.

Тартиб билан экилган манзарали ва мевали дарактлар эътиборини тортади. Ерга ер қўшилиб, деҳқончилик маданияти кучайибди. Бу жойлар яқин-яқингача баланд-пастиқлардан иборат зовур бўйи бўлган десангиз, ҳеч ким ишонмайди. Ўзлаштирилган экин майдони 30 ишчига 30 сотихдан бўлиб берилган.

Фермер хўжалигининг асосий экин майдони Марказий Фарғонанинг Қизилтепа массивида жойлашган қумоқ ердан иборат. Зовур

бўйидаги ернинг ўзлаштирилиши ҳисобига экин майдони ҳосилдорлиги ҳам ошди. Сабаби, қуёш ҳароратида обдан тобланган тупроқ экин майдонига ташилди. Натижада яхши бўлди. Авваллари чўл ҳудуддан 25-30 центнер галла олинган бўлса, бугунга келиб, бу кўрсаткич салмоғи иккита хисса ортди. Пахтачилик ҳам мўл ҳосил олияпти.

Муроджон Назаров шу фермер хўжалигидан ишлайди. Унга дала четидagi ўзлаштирилган ердан 30 сотих ажратиб берилган. Энди оила аъзолари билан ҳамжамиятиликда турли сабзавот, полиз экинлари экиб, қўшимча даромад олиш имкониятига эга.

— Йиллар давомида қаровсиз ва эътибордан четда бўлган зовур бўйида фақат чорва боқиб билан қифояланганимиз, — дейди Муроджон. — Дала четининг эгаси йўқ, ак-

сарият майдонлар бегона ўт-ўлан ва зарарли ҳашаротларга макон бўлган. Энди ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланишга ҳаракат қилаёмиш. Шу мақсадда янги йўллар қўриди, ариқлар очилди. Бу жуда катта имконият. Еримиз полиз экинлари етиштиришга мос. Дала четига 10 минг туп қовун эдик. Насиб қилса, 40-50 миллион сўмдан ортиқ даромад олаимиз.

“Бойчибор учқунини” фермер хўжалигида зовур бўйидаги ерни ўзлаштириш ҳисобига мочалка етиштириш йўлга қўйилган. Хўжалик пахта ва галлачиликка иختисослашган. Дала бўйидаги экин майдонини ўзлаштириш эвазига сабзавотчилик, узумчилик бўйича қўшимча тармоқлар фаолияти йўлга қўйилляпти. Ўзлаштирилган ерга қалампир ва мочалка уруги қадалган.

Масалан, 15 сотих ерга экилган мочалкадан бир мавсумда 5 мингта маҳсулот олиш режалаштириляпти. Бир донна хомашё ўртача 8 минг сўмдан сотилса, даромад салмоғини чамалаб олиш қийин эмас. Жорий мавсумда яна 20 сотих ер ўзлаштирилиб, узум қўчати экилган. Ниҳоллар оралиғида бир вақтинч ўзида хўжалик эҳтиёжи учун керакли сабзавот, полиз экинлари экиш йўлга қўйилган. Бу ниҳолларнинг яхши ўсишини таъминлаш билан бирга қўшимча ҳосил ва даромад олиш имконини беради.

— Бугунгача тумандаги пахта ва галлачиликка иختисослашган 179 та фермер хўжалиги даласи четидagi 62 гектардан зиёд экин майдонини ўзлаштирилиб, 63 минг туп туп, 58 минг туп тоқ, 45 минг туп терак қўчати экилди, — дейди Бағдод тумани ҳокими Ғанижон Солиев. — Махсус устунар ўрнатилиб, ошқоқов ва мочалка экини етиштирилмоқда. Фермерларга зовурда ўрдақ боқиб ва асалари уяси ташкил қилиш учун имтиёзли кредитлар ажратиб, ер эгаларига экишдан бошлаб махсулотини сотишгача бўлган даврда амалий ёрдам бериш учун мавсумий агрономларни жалб этиш, махсулот етиштириш учун зарур бўлган уруг, қўчат, минерал ўғит, кимёвий препарат ва бошқа моддий-техник ресурслар билан таъминлаш кўзда тутилган. Дала четидagi ер эгаларига 6 ойгача имтиёзли қарз ажратиб билан боғлиқ имкониятлар хусусида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораёмиш, ташаббусларни қўллаб-қувватляёмиш. Бу йўналишда ечимини қутиб турган масалалар ҳам бор. Айниқса, юқори ҳосилли, эртаки сабзавот уруглари билан таъминлаш, сақлаш ва қайта ишлаш йўналишида янги лойиҳа ва ташаббусларни оммалаштиришга эътибор қаратиш муҳим.

Дала четларидаги экин майдонини мақсадли фойдаланиш деҳқончилик маданиятини оширмоқда. Имкон топган борки, ниҳол экиш, ҳар қарич ерни қадрлаш ҳаракатида. Бу сайё-ҳаракатлар аҳоли фаровонлиги ва бозорларимиз тўқинчилигига хизмат қилади.

Расулжон КАМОЛОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Таълим тараққиёти

ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎҚИШИ КЕРАК!

БУГУН ЖАМИЯТДА ШУНДАЙ ҚАРАШ ШАКЛЛАНМОҚДА

Садоқат СИДДИҚОВА, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, профессор



Шарқона тарбияда аёлларга ҳурмат кўрсатиш, имкон қадар уларга енгиллик яратишга интилиш етакчилик қилади. Зеро, бугун юртимизда аёлларнинг жамиятда ўз ўрни ва қадрини топиши давлат даражасидаги масала бўлиб турибди. Шунингдек, уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш, фаоллигини ошириш, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, соғлигини сақлаш борасида изчил чора-тадбирлар кўрилмақда.

Хусусан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшлар ҳамда хотин-қизлар касб-ҳунар марказларида текин ўқитилмоқда. Касб-ҳунар йўналиши бўйича ўқув курсларини якунлаган хотин-қизлар мавжуд бўлиши ўқитишга амалий ёрдам кўрсатишмоқда. Тадбиркорлик йўналиши бўйича ўқув курсларини якунлаган хотин-қизларга тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтишидан тортиб, фаолиятини мустақил юритишга қадар жараёнда ҳоким ёрдамчилари томонидан тизимли равишда амалий ёрдам кўрсатишмоқда. Аёлларимиз ўртасида ҳам тадбиркорлик муҳитини пайдо қилиш, давлат бюджетидан мақсадли кредитлар ажратиш йўлга қўйилган.

Айниқса, хотин-қизлар илм олишга рағбатлантирилиб, уларга алоҳида имтиёзлар берилмоқда. Узоққа бормайлик, яқин йилларда ҳам, айниқса, қишлоқ жойларда 2-3 та ўқимлиш одамни топиш мумкин эди. Қизларнинг ўқишига кўп-да эътибор берилмас, мактабни битирдим, жойи чиқса, узатиб юбориш пайида бўлинарди. Ҳали ҳаётнинг балан-пастига тайёр бўлмаган қизларнинг эрта турмушга берилиши ортидан мурасасиз оилалар сони ортади, ажрашишлар кўпайди.

Ҳали 20 га қирмаган қизларнинг турмуш мушуга бардош беролмай, орзулари ўрнидан ҳаётнинг аччиқ аламлари эгаллашини оддий қўл қилдик. Ўзимизга сезилмас-да, умумий жамият руҳига тушкун кайфият синги борибди. Бу эса кундалик муҳокама мавзуси оилавий моҳарлар бўлишига олиб келди.

Қайнона-келин ўртасидаги зиддиятлар кино ва сериалларимизда асосий объект сифатида олинди, афсуски, ҳали ҳам бу кайфиятдан қутулмаганимиз. Лекин шу йиллар мобайнида муваффақиятли ва зиёли аёл гоясини илгари суришни ё истемадик, ё пайсалга солдик. Ҳар қалай қизларимизнинг таълим олишига етарлича рағбат бермадик. Чунки аёллар ўқиши шарт эмас, деган фикр кўпчилигимизнинг онгимизга ўрнашиб қолганди.

Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти экспертларининг 2022 йилдаги таҳлиллари



кўрсатдики, аёлларнинг иқтисодий фаоллиги пастлигининг асосий сабаби уларнинг уй-рўзгор ишлари билан андармон бўлиб қолганидир. Биз аёлларимизни касо-товоқ билан банд қилиб, қандай келажакни кутишимиз мумкин, синингча? Бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам аёлларнинг иқтисодий фаоллиги эркакларникига нисбатан паст.

Ўзбекистон аёлларининг меҳнат бозоридagi иқтисодий фаоллиги 30 ёшдан бошланади. Сабаби, ўртача 22-23 ёш оралиғида турмуш қуради ва ундан кейин камида 2 йилни туғуруқ таътилида ўтказилади. Ундан сўнг меҳнат бозорига қайтади, лекин қисқа вақтдан кейин уларнинг такрорий туғуруқ таътилига чиқиш эҳтимоли юқори. Умуман олганда, давлат ва хусусий секторда фаолият юритувчи аёллар салмоғи кейинги йилларда ўсишига гувоҳ бўляемиз. Шу мақсадда кўпгина имтиёз ва имкониятлар яратилмоқда.

Қувонарлиси, бугун айрим тоифадаги хотин-қизларга ОТМга кириш учун тавсиянома берилиши тартиби амалиётга таъбиқ қилинди. Бундан ташқари, магистратурада ўқитган хотин-қизларнинг контракт тўловларини давлат томонидан бутунлай қоплаб бериш тартиби белгиланган.

Шунингдек, ҳар бир ҳудуддан ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз 100 нафар аёлнинг тўлов-контракти ҳокимликлар томонидан ҳар йили тўлаб берилади. 50 нафаргача хотин-қиз биринчи ўқув йилида текин ўқитилади.

Бухоро муҳандислик-технологиялари институтида ҳам мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, келажакка шаҳдам қадам ташлаётган хотин-қизларимиз талайгина. Бунини улар қўлга киритаётган натижалардан ҳам билиш мумкин. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2023 йил 4 декабрдаги буйруғига кўра, номдор давлат стипендияларига муносиб номзодлар тайинланиб, институтининг 8 иқтидорли талабаси тақдирланди. Энг қувонарлиси, саккиз стипендиантнинг беш нафари қизлардир. Бу ўз-ўзидан қалбимизни фахриятхор туйғуларига тўлдирди.

2023 йилда 2 нафар аёл ўқитувчимиз “Олий таълим аълочиси” кўкрак нишонини билан тақдирланди. Жорий йилда бир ҳамкасбимиз “Шухрат” медали, яна бири эса “Мўътабар аёл” унвонига муносиб кўрилди.

Магистратура босқичида тахсил олаётган хотин-қизларнинг контракти давлат гранти ҳисобидан қопланиши таълим оламан, илм қиламан, деган қизларимиз сафи кенгайишига йўл очди.

Докторантурада тахсил олаётган бўлажак олимларимизга стипендиялар ўз вақтида тўлаб берилмапти. Илмга рағбатни ошириш йўлида институтиимиз талабаларга камарбаста бўлмоқда. Шунингдек, илмий даражаси борларнинг умумий 40 фоизини аёл ҳодимлар ташкил этаётгани ҳам хотин-қизларга эътиборни кўрсатиб турибди.

2024 йилнинг январь ойида ОТМда “Аёллар бизнесига биринчи қадам” танлови ташкил этилди. Ундан кўзланган мақсад иқтидорли ва истеъдодли хотин-қизлар, аёллар ва ёш олималарнинг инновацион фаолияти натижалари ва ташаббусларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, илмий излашларни учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда салоҳиятли ёш-

ларни илм-фанга кенг жалб этишдан иборат. Танловда илмий тадқиқотлар билан шуғулланаётган 8 талаба қиз ўз лойиҳаси билан қатнашди. Голдблар муносиб тақдирланди.

Олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонидa ҳам қизларимизнинг ўғил болаларга нисбатан юқори балл қайд этаётгани уларда илм-маърифатга рағбат юқориликдан далolat беради. Кеча аёлларнинг фақат уйда ўтиришини тасаввур қилар эдик, бугун эса дунёнинг турли бурчакларида таълим олаётган ўзбек қизлари ўзининг нимага қодирлигини кўрсатиб, барча аёл-қизларимизга намуна бўлаётди. Қувонарлиси, жамиятимизда “Хотин-қизлар таълим олиши керак” деган тушунча шаклланаётди. Илгари қизини ўқитишга қурбон етмаган ота-оналар ҳам банклардан фансиз кредит олиб ўқитмоқда, магистратурада эса текин тахсил олиш имкони мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиздаги ислохотларга қуруқ қарсақ чалиб, бандпарвоз гаплар билан жавоб беришдан воз кечишимиз керак. Бир мақсад йўлида бирлашиб, Ватан хизматига сидқидилдан ҳозир бўлишимиз зарур. Комил фарзандлар тарбиялаб, мамлакатимиз тараққиётида муносиб иштирокчи бўлиш учун барчамиздан фаоллик ва гайрат талаб қилинади.



ОДАТИЙ ҲОЛГА АЙЛАНАЁТГАН СУВ ТОШҚИНЛАРИ

Бунга сунъий ёмғир ёғдириш ҳам сабаб бўляптими?

Мулоҳаза

Мансурбек ЖАББОРОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



Қишда ҳам, баҳорда ҳам ёгингарчилик камайиб, куруқ ва иссиқ ҳаво одатдагидек бўлиб қолди. Бунинг ортидан ўтган йилларда чанг бўронлари, кўроқчиликлар, анормал иссиқ, минтакамиз иқлим шароитига мос бўлмаган ҳолатлар кузатилди. Бу эса деҳқончилик, чорвачилик ва бошқа соҳаларда бир қанча муаммоларни келтириб чиқарди.

Айниқса, аҳолининг аксарият қисми анормал иссиқ, қум бўронлари туфайли анча азият чеқди. Саломатлигида муаммолар пайдо бўлди.

Бу йил баҳор серёгин келди. Кунда-кунора ёмғир... Бу, бир томондан, яхши, қут-баракат, мўл-кўчлик. Богбону деҳқон меҳнатига баракат киради, қир-адирларда ўт-ўлан сероб бўлиб, чўпон-чўлқиннинг чорваси учун озуқа кўпаяди.

Масаланинг иккинчи томони ҳам борки, сурункали ёгингарчилик оқибатида дарёлар, сойлар, аҳоли пунктларидаги ички ариқлар сел сувига тўлиб оқди ва кўчаларга, аҳоли хонадонлари, ижтимоий-иқтисодий объектларга сув топиши, тоғли ҳудудларда эса ер кўчкилари фаоллашув, бундан ташқари, геологик, гидрометеорологик хавфларни келтириб чиқаради.

“Ҳамал, ҳамалда ёғса амал”, бироқ...

Шу кунларда юртимизнинг турли ҳудудларида, хусусан, Самарқанд, Жиззах ва Тошкент вилоятларида ёгингарчилик оқибатида кузатилаётган селлар аҳолига жиддий хавф туғдиримоқда. Жумладан, Жиззах вилоятида кузатилган кучли ёгингарчилик аҳолининг машиналарини оқибатга кетгани акс этган видеолар тарқалди. Вилоят ФВБ ахборот хизматининг хабар беришича, ҳодиса Шароф Рашидов туманида содир бўлган. Кузатилган ёгингарчилик оқибатида қир-адирлардаги жилгалардан қум-шағал массаси оқиб келган. Шунингдек, 21 апрель

кун Самарқандга келган кучли сел “Damas” автомобиллини оқибатга кетган. Ижтимоий тармоқларда тарқалган хабарларда вилоятнинг тоғли ҳудудларида табиий офат аҳолига жиддий муаммолар туғдираётгани айтилади.

Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган Чашма маҳалласидан ўтуви сув йўлига кучли ёгингарчилик оқибатида оқиб келган сув синмай, мазкур ҳудуддаги автомобиль йўлининг қатнов қисмига тошиб чиққан. Туман Факултода вазиятлар бўлими ва тегишли хизматлар томонидан ҳолат юза-

сидан ўрганиш ишлари олиб борилган ва ҳеч қандай талафот юзага келмагани аниқланган.

Пойтахтимизда кузатилаётган ёгингарчиликлар оқибатида эса кўчаларда ёмғир суви тўпланиб қолаётгани кўпчиликини жиддий хавотирга солаётди.

Халқимиз ҳамалда ёмғир ёғишидан қувонган. Чунки бу ойдаги ёгингарчилик экин-тинкинга, ўт-ўланга, табиатга фойдали. Аммо ёгингарчилик меъёрдан ошиб кетса, юқоридаги каби офатларга олиб келади ва фойдасидан кўра зарари кўпроқ бўлади.



Ўзбекистонда сунъий ёмғир ёғдирилганми?

Яқин бир неча йил ичида баҳор фасли анча иссиқ келди. Иқлим ўзгариши натижасида кўккал мавсумида ҳам худди ёз фаслидаги каби иссиқ ҳаво ҳарорати кузатилди. Одамлар ҳам экин-тинкинни шундай об-ҳаво шароитига мослаб экишига кўникиб қолди. Аммо бу сафар нега ёгингарчилик кўп кузатиляпти? Сунъий ёмғир ёғдиришнинг қандай афзаллиги ва салбий томонлари бор?

— Йил давомида энг серёгин ой — март. Аммо бу йил март ва апрель ойларида ёгин анча кўп бўляпти. Бунинг олимлар куйидаги сабаблар билан изоҳляпти. — дейди Булутлар физикаси ва уларга фаол таъсир этиш бўйича лаборатория мудири, география фанлар номзоди Бахтиёр Қодиров. — Тинч океанида ҳозирги вақтда Эль-Ниньо жараёни кузатиляпти. Бу дегани, океаннинг катта ҳудудида ўртача сув ҳарорати доимигидан 2-3 даража юқори. Океанда сув ҳарорати қанча кўтарилса, буғулини шунча кўп бўлади. Ер атмосферасида кўпроқ намлик айланади ва ёгин ҳажми ортади. Мана шундай жараён кўп жойларда кузатиляпти. Хориж олимларининг излашлари натижасида Эль-Ниньо кузатиляганда, январь ойидан апрель ойигача бизнинг ҳудудга ёгингарчилик микдори ўртача ойлик меъёрдан банд бўлиши аниқланди. Сунъий ёмғир ёғдириш масаласига келсак, бизда умуман бундай иш қилинган йўқ. Буларнинг барчаси табиий ҳодиса. Тўғри, бу бўйича бир қанча илмий ишларимиз бор, бироқ бугунги кунда кузатилаётган ёгингарчилик сунъий ёмғир ёғдириш натижаси эмас.

Аслида, сунъий ёмғирнинг афзал жиҳатлари кўп. Бу нафақат қўшимча сув ресурслари, балки қўшимча электр энергияси, лалмикор ерларда

қўшимча ҳосил ҳамдир. Бироқ жараён жуда қиммат, масалан, бир самолётни сунъий ёмғир ёғдириш ишларига жалб қилишнинг бир соати ўртача 3 минг доллар бўлади. Бундан ташқари, жиҳозлар ва реагентлар нархлари анча банд. Шунингдек, сунъий ёмғир ёғдирилгандан сўнг тоғли ҳудудларда қўшимча ёмғир айрим вақтларда сел келиш хавфини кучайтириб юбориши мумкин. Хулоса, бугунги кунда кузатилаётган ёгингарчилик табиий равишда бўлмоқда.

Мутахассислар юртимизда сунъий ёмғир ёғдирилганини, кузатилаётган жараёнларнинг барчаси табиий эканини таъкидламоқда. Чиндан ҳам анча йиллардан буён бундай кучли ва иқлим шароитимизга мос бўлмаган ёгингарчилик кузатилмаганига сунъий ёмғир ёғдирилди, деган уйга бориш табиий. Бунга эса етарлича асос бор.

Ўзбекистонда илк бор 1963 йилда Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти томонидан сунъий ёмғир ёғдирилган. Энг охириги тадқиқот ва илмий излашлар 90-йилларда олиб борилган. Шунингдек, 1963-1968 йилларда Псков, 1985-1991 йилларда Қашқадарё, 1989-1990 йилларда Чирчиқ, 1990-1991 йилларда Шимоллий Фарғонада сунъий ёмғир ёғдирилган бўлса, сўнгги маротаба бу технологиядан 2005 йилда фойдаланилган.

Сунъий ёмғир ёғдириш технологиясини Ўзбекистонда жорий этиш учун 2022 йилда Гидрометеорология хизмати агентлиги томонидан тақлифлар ишлаб чиқилган. Лойиҳани амалга ошириш учун 10 миллиард сўм ажратиш тақлиф этилган мамлакатимизда бу сафар ҳам сунъий ёмғир ёғдирилди, деган тахминларга боришимизга сабаб бўлди.

Хориж тажрибаси

Ривожланган давлатлар ёмғир сувидан анча самарали фойдаланади. Мисол учун, Японияда автомобиль йўллари ёқасига ўрнатилган қувурлар орқали ёмғир суви бир ерга йиғилади, қайта ишланиб, қонди ювиш ва бошқа эҳтиёжларни қондириш мақсадида аҳолига етказиб берилади. Ёмғир сувининг бир томчиси ҳам исроф қилинмайди. Улар шу тариқа ичимлик суви тежайди.

Масалан, Хитойда ёмғир суви ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқи бўйича шартнома имзоланган. Шартнома Хитойнинг марказий Хунань вилояти пойтахтининг юқори технологияли sanoатни ривожлантириш зонаси Чаншадa тузилган.

Ёмғир сувини йиғиб олиб, қайта ишловчи компаниялар мавжуд. Мазкур компаниялар ёмғир сувини маҳаллий сув нархидан 20 фоиз арзон сотади. Қайта ишланган сув

ободонлаштириш ва санитария ишларида фойдаланилади. Бу билан ёмғир суви исроф бўлишининг олди олинади. Бугунги кунда ушбу фаолият бизнес турига айланган.

Қолаверса, Хитойда ёмғир сувини шимиб оладиган шаҳарлар барпо этилган. Бу эса ёмғир сувини йиғиш ва утилизация қилиш, ёмғир суви ресурсларидан умумли фойдаланиш имконини беради. Хитойнинг Ючанг атроф-муҳитини муҳофаза қилиш ташкилоти раисининг айтишича, 2016 йилда Чанша шаҳрида ёмғир сувларини шимгичли шаҳар қурилгандан буён ёмғир сувини йиғиш ва ундан фойдаланишга талаб ортган. Ҳозиргача 500 дан ортиқ ёмғир сувини йиғиш ва утилизация қилиш бўйича лойиҳалар амалиётда қўлланилмоқда.

Бизда ёмғир сувидан деҳқончилик, на аҳоли эҳтиёжи учун фойдаланилади.



Нима қилиш керак?

Ёмғир сувининг катта миқдори бугунги кунда бир вақтинчи ўзида табиий равишда ер ости сувига қўшилиб кетиши учун тизимлаштирилмаганига гувоҳ бўляемиз. Бундай ҳолатда сувини махсус мосламалар билан тортиб олиш зарурати туғилади. Шаҳар ҳудудларида автоматик ишлайдиган бундай тизим ҳам жорий этилмагани муаммо кўламини янада кенгайтирмоқда. Энди бизда яна бир муқобил йўл — сувини махсус машиналарда тортиб олишдан фойдаланиш мумкин. Бу амалда баъзи ҳудудларда қўлланиляпти. Аммо унинг самарадорлиги ва кўламини етарлича эмас. Шундай бўлгач, шаҳар ҳудудларида ёмғир сувини бартараф этишнинг мувофиқ ечими ҳали изланиши зарур.

Юқорида келтирилган хорижий тажрибалар катта маблағ талаб қилади. Ёмғир халқоблари тўпланиши битта мавсум ёки бир неча йиллик давр билан чекланмаслигини инобатга олсак, бу масала ечимига маблағ ажратиш зарур экани ойдинлашади. Муаммодан нафақат инсонлар, балки автотранспорт, турар жойлар, бинолар, умумий фойдаланиш объектилари, шунингдек, туپроқ ва сув ресурслари, ўсимликлар олами ҳам бирдай зарар кўраётгани ҳар қандай шаклда тезда амалий чоралар қўллашни тақозо этмоқда.

Масъулиятни бўйнидан соқит қилиб, “шаҳар аҳолисининг экологик маданияти ошишини кутиб ўтириш” бир қанча тизимларда қутилмаган салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Вазиятга шунчаки ўзимизни оқлаш ёки айбни кимгадир ҳавола қилиш нуқтаи назаридан қарамай, муаммони бартараф этиш йўлида амалий ҳаракат қилишга ўтиш фурсати аллақачон етиб келган. Қаловини топса, қор ҳам ёнади. Излаган ҳаминча имкон топа олади. Эндиликда масалага ечим топиш, уни амалга оширишга киришиш кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифа бўлиб турибди.



Аччиқ, аммо очиқ гаплар

# ВАЙНЛАР, ЧЕЛЛЕНЖЛАР РУҲЎЙ ҚУВВАТИ

## ёхуд тафаккурни ўзгартириш, фикрни улғайтириш фурсати

Сардор ТОЛЛИБОЕВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

### ОММАЛАШИШ МАДАНИЙЛАШИШ, ДЕГАНИ ЭМАС

Шиддаткор замоннинг жловини тортиб бўлмайди. Вақт билан ҳисоблашишга мажбур бўлаётган инсониятнинг ҳаёти ойнаи жаҳон ва телефонларга кўчиб ўтди. Бутунги кунда интернет олами нафақат маълумот улашувчи, балки инсон онгига таъсир қилувчи, унинг ақлий ва руҳий ҳолатини акс эттирувчи томошабоққа айланди. Бир вақтлар одамга кайфият улашадиган масхарабозлар, халқ гуруҳларининг янги кифёлари интернет оламида кенг оммалашди. Шу билан бирга, турли ижтимоий тармоғу платформаларда кўпга мунозаралар келтириб чиқараётган соҳа вакиллари — вайнерлар пайдо бўлди. Юртимизда ҳам вайнерлар қисқа метражли видеолари билан жуда кўпга инсонларни ўзига жалб қила олди.



Бугун вайнчи ёшлар, сценарийчилар ўз шеvasини умуммиллат миқёсига чиқармоқда. Бирорта машҳур вайнчи видео олди, кейинги кун унинг бу дийдеси бор ҳолича халқ орасида оммалашди. Уларнинг мавзулари кулгили бўлиш билан бирга, мулоҳаза юритишга ҳам чорлайди. Баъзи вайнерлар жаргон қўллаб, атрофдаги одамларни ҳам худди шу сўзларга ихтиёрсиз мойил қилиб қўймоқда. Уларнинг савяси ҳақида ҳам ўйлаб кўриш вақти келди.

Бугун аксарият ривожланган, хусусан, Европа давлатларида вайнларнинг аллақачон кунни тугаб бормоқда. Нафақат ёшлар, балки ёши катта инсонлар ҳам умуминтернет олами ва унинг таркибидagi ижтимоий тармоқларда берилётган шакл-шамойилсини видеолар таъсирига тушиб қолаётгани зийлиларни хавотирга солмоқда. Бир вақтлар узоқдаги инсонларнинг ҳол-аҳволини билиш, дунёнинг ривожланиш манфаатига ҳисса қўиши учун яратилган интернет бугун кутилган самарадан кўра хавфлироқ тус олиб бормоқда.

“Google”нинг ахлоқий дизайн бўйича собиқ мутахассиси Тристан Харрис: “Биз асбоб-ускуналарга асосланган муҳитдан қарамлик ва манипуляция муҳитига ўтмоқдамиз”, дейди. Бугун дунёда қанчалар инсонни ўзига боғлаб турган компания мутахассиси шундай хавотир билдириптими, демак, биз аллақачон “қизил чизик”қа етиб келдик. Яъни бугун оммавий ахборот воситалари жуда катта махсулот бозорига айланди. Энг катта махсулот инсоннинг ўй-фикри, қарашини ўзгартириш орқали сотилмоқда. Янаям оддийроқ айтганда, бугунги вайнчилар долзарб мавзуларни кулгига олиб, кўпга олуначиларни йиғиш ортдан муайян қатлам вакиллариининг бизнесини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Зеро, ҳар бир вайнчи олаётган видеоларнинг аксарияти уларнинг даромад манбаи бўлиши реклама билан боғлиқ.

Телефон мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни нақадар яқинлаштирган бўлса, инсониятни ўзлигидан шу қадар узоқлаштирмоқда. Олисадagi давлатлар, шахсларни яхши билишга интиламиш-у, ёнимиздаги биродаримизнинг ахлоқи не кечаётганига бир қур назар солмаймиз. Барча нарсани

техника ва технологияга топшириб қўйгандекмиз.

Яна бир жиҳат. Ижтимоий тармоқлардаги аксарият видеолар ёшларда шунчаки кўнгилхушликка мойиллик ҳиссини уйғотиш учун яратилаётгандек. Бу ҳақда гапирсангиз, мен инсонларга кайфият улашпман, деган иддаони эшитасиз. Эҳ, дунёдаги барча муаммоларга комедиялар ечим берганда эди... Мен дунёдаги жамики муаммоларга вайнчиларни айбдор санаб, уларни қозига топширмоқчи эмасман. Аммо кенг омма эргашаётган ва кўраётган бу томоша ортдан фақат фикрсизлик қамрови кенгайишини кутиш мумкин.

Шу ўринда шоир Эшқобил Шукурнинг куйидаги фикрини келтирсак: “Миллат учун тафаккурни ўзгартириш, фикрни улғайтириш муҳим. Бақир-чақир, шовшувлар билан тафаккурга таъсир этиб бўлмайди. Бунда фикр улғаймайди, аксинча, ўлади. Фикр бақир-чақирни ёқтирмайди. Фикр тинланиши, шовқин-суронларга гарқ бўлиб кетмаслиги керак. Мен бир зийли сифатида юзлаб телеканаллар, сон-санокисиз ижтимоий тармоқларни кузатиб, уллардан фикр излаб ўтирарман. Афсуслар бўлсинки, фикр дегани анқо-

нинг уругига айланиб борапти. Баъзан телевизорда икки-уч соатга чўзиладиган отиш, ўлдиршидан иборат қонга ботган жангари фильмларга кўзим тушиб қолади. Улардан тирноқча фойда йўқ, аксинча, тоғча зарар бор. Жаҳолат ахлатхоналарида тўзиб ётган бундай “мусорлар” ичида қанчадан қанча ёшлар изгиб юрадилар ва бу “ёқимли томошалар” уларнинг қалбини вайрон қилаётганини билмайдилар. Фикрсизлик муҳоши илат, бу илат одамни ўзидан айиради, элидан, ватанидан айиради”.

Қайсидир кун чекка бир қишлоққа бордик. Кечки пайт. Ойдала. Қишлоқ этагидagi кенгликка катта гулхан ёқилган. Ут атрофида қуюқ қошларини чимирганча чоллар мук тушиб ўтирибди. Баъзи бирлари бу йил ёгин-сочин кўп, йил яхши келишини айтса, яна бири қўшни қишлоқлик Жалол полвоннинг кечаги кўпқаридаги маҳоратидан гурунг беради. Гап эл ичидаги муаммолар ҳақида кетади. Эл одамлари ҳақида кетади. Боболарнинг тиззасидаги набиралар олис юлдузларга, яна соч-соқолига оқ тушиб, фўнғун-фўнғир қилаётган чолларнинг ажин босган юзларига узоқ термилди, соқолларини силаб кўради.

Бир вақт “келинг, келинг”, дея одамлар тўрдан ҳозирланган жойга дўмбирасини қўлтиклаган бахшини бошлайди. Даврага бир дам сукут қўнади. Бахши гулханга термилиб, сўнг унинг “Бу гал қайси достонни айтиб берар экан”, дея қараб турган инсонларга бир қур назар ташлайди-да, “Тўруғли”дан бошлай беради. Бахшининг бўғиқ овозига ҳамоҳанг ястаниб ётган кенгликларда от дупурини эшитасиз. Гўё Соҳибқирон, Жалолиддин, Бобурнинг доғруғи, Мадамминбек, Шермухаммадбекнинг озоликка туташ шашти, шу тупроқ учун, шу миллат учун “Мана менман у исбенинг ўлмас авлоди”, дея эркин қилаётган Усмон Носирнинг овози ўрайди кўкка.

Бу каби давраларни кўриш бугун амри маҳол. Сабаби, ўша вақтда, ўша жойда техникаланган инсонни эмас, балки ҳали-хамон англамлар ичида, табиат билан ҳамоҳанг яшаётган инсонларни кўрдим. У томонларга ҳам интернет, телефон каби замонавий воситанинг унсурлари етиб борган. Аммо улар ҳали ота-боболардан қолган меросни йўқотганича йўқ, Ўзбекинг ўтмишидан то бугунги кунгича бўлган, миллий қараш билан сугорилган маънавий қиёфасини очиб берувчи, шубҳасиз, халқ оғзаки ижоди намуналаридир.

Техника тақомиллашмасидан бир қур олдинги даврда боболаримиз бирор кишининг уйида ёки туй-ҳашамларда миллийликка йўғрилган, асрий анъаналар оғушида камол тоилган ватанпарварлик, халқпарварлик, жасорат, адолат учун курашлар сингирилган эпосларни тинглаган. Шу боис, миллат сифатида не-не жасоратларни дунёга бўйлаштирган қаҳрамонлар етишиб чиқди. Бугун миллийлик қиёфаси, миллий “қаҳрамонлар” ойнаи жаҳонга, хусусан, телефонларга кўчди.

Бир халқ, бир маҳалла у ёқда турсин, бир хонадонда ота-она, ака-ука бир-бири билан ҳаётини масалалари эмас, балки ижтимоий тармоқда авж олган бирор воқеани муҳокама қилади. Яъни инсонни ақлий тафаккур эмас, онг остидан тобора чуқурроқ жой ола бошлаган ахборот божқуроқда. Достон айтаётган вақтда эса ёш-яланг ота-боболаримизнинг асрий нидоларини тинглади, қулоқ тўтди. Улар дунёнинг барча ташвишларини ёддан чикарди гўё.

### НИМА УЧУН ВАЙНЛАР БУ ҚАДАР КЕНГ ТАРҚАЛДИ?

Бугунги глобаллашув жараёнида ахборотнинг кўпчилиги оқибатида инсонлар иложи бори-ча жуда қисқа материалларни томоша қилишга ва ўқишга мослашмоқда. Фалсафий фикрлар жамланган бир неча соатлик кинони кўришга кунт қилинмаётгани ҳам бор гап. Инсонда ҳар доим маънавий эҳтиёжга талаб бўлган ва аксарият вайнчилар уни халқчил роллари билан тўлдирмоқда. Яна бир жиҳати, вайнлар сунъийликдан анча йироқ, жамиятда учрайдиган муаммоларга холисона кўз тутаяди. Энг муҳими, юмалоқ ёстиқ бўлган, ҳаётдан узилиб қолган кино ва театр сахналарига қараганда улар ҳаёт билан узвий боғланган. Асосийси, вайн олаётган инсонлар халқ орасидан етишиб чиққан.

Бундан бир неча йил олдин ижтимоий тармоқда блогер ва вайнер Тимур Алихонов куйидаги фикрни билдирганди: “Мен юмор орқали ўзимнинг аудиториямга, яъни ижтимоий тармоқдаги олуначиларимга жамиятда учраб турайдиган муаммоларни тақдим қиламан. Биз олиб чиқаётган ролик фақат ҳазил остига қурилмайдди. Аниқ бир муаммога ургу берамиз. Нима

учун? Уни кўрган инсонлар кейинги сафар бу ҳолатга дуч келганда нима қилиш кераклигини тушуна, шу асосий мақсадимиз”.

Унинг “Устозлар турли давлатларда...” ролни ижтимоий тармоқларда самимий кутиб олинди ва кенг муҳокама қилинган сабаб бўлди. Унда АҚШ, Россия ва Ўзбекистонда ўқитувчиларнинг ўрни солиштирилади.

Яқин йилларгача ўқитувчилар ҳашига жалб қилинади, энг ёмони, бу бутун республикада кенг оммалашган. Иккинчидан, ўқувчилардан сўраладиган энг муҳим нарса берилган фанни ўзлаштириш эмас, балки унинг ташқи кўриниши, яъни формаси эди. Агар формаси бўлмаса, дарсга киритилмас ёки синф олдида изза қилинади. Бу ҳам етмагандек, таъмир пули йиғиш ва журнал тўлдирш каби қозғовоблиги мажлисбозликдан бўшамасди устозлар. Вайнчи эса айнан шу ҳолатни таҳлилий ва танқидий тарзда олиб чиққан.

Бу каби жамоаларнинг ютуғи — улар кўтарилган муаммолар жамиятнинг ҳеч бир қатламини четлаб ўтмайди.



### ДАВР “ҲАЙРАТЛАРИГА” ЭТАК СИЛКИБ БЎЛМАЙДИ


Технология ривожланиб бориши ортдан кучли курул пайдо бўлди — гоё ва мафкура. Ижтимоий тармоқларда кенг оммалашаётганлардан яна бири — челленж. Кейинги вақтларда ижтимоий тармоқда бир неча юз минг одам тўплаб, ўзидан замона қаҳрамони ясаб олаётганлар ҳам йўқ эмас. Биринчи “Мен тик-ток қиролиман”, дея илдоа қилди. Кейин унинг ижтимоий саҳифасига бир қур назар ташладим. У бир неча киши билан онлайн шартбозлик ўйнади экан. Ютқазиб қўйишса, инсоннинг ақл тамойили, одоб-ахлоқ мезонларига умуман тўғри келмайдиган шартлар билан омман жалб қилади. Уни бир вақтнинг ўзида ўн минглаб одам кўрмоқда. Ҳа, тўғри тойдирсангиз, улар ўзбек. Аксарияти эса 30 ёшгача бўлган қатлам. Ҳар доим биз нимага ривожланмаётганимиз, дея арзи қиламиз. Бунинг сабаби битта, менимча. Талабларимиз, хусусан, маънавий талабларимиз инсон мезонлари тўғрисида бандга чиқа олмайпти.

Заиф шаклланган қарашлар билан бир-бирини мазохлаш, бачкана қилиқлари билан миллионлаб ёшларни эргаштиришга уринишлар одами чуқур мулоҳаза қилишга ундайди. Минглаб технологиялар,

замонавий ихтиролар бўлса-ю, фикр бўлмаса, сунъий интеллект билан инсоннинг фарқи қолмайди.

Яқинда бир тиктокер: “Бугун бизнинг авлод узоқ томоша қилинадиган киноларни, театрларни хоҳламайди. Биз учун бу жуда ҳам зерикарли”, деб интервью берди. Бу гапни инкор қилолмайсиз, кўпчилик вайнчи ва тиктокерлар қармоғига тушиб қоляпти. Улар театрни эмас, вайнчиларни томоша қилишдан нарига ўтмаяпти. Ҳар бир жамиятда муайян камчиликлар, инсон ақлига тўғри келмайдиган урф-одатлар мавжуд. Юмор остида бу муаммоларни олиб чиқиш ҳам қайсидир маънода “жасорат”. Аммо ечим эмас.

Инсоният яралибдики, маънавий меросларни, анъаналарни, қадриятларни келажакка етказишга ҳаракат қилган. Инсоннинг ақлий тафаккури тошларга туширилган қадимий ёзувлардан тортиб, техника билан узвий боғланган ҳаёт орасида ер билан осмонча юксалди. Бугун униб келаятган авлодни ижтимоий тармоқлардан узиб олишининг имкони ҳам йўқ. Ҳечқурса, миллийлик, энг муҳими, ўзликка хиёнат қилмаслик керак.



Яқинда авлодусда ёши улгуроқ бир киши ҳайдовчи билан ёқалашиб кетди. Боиси, ҳайдовчи “Қизил қўйлагим” қўшгини бандан овозда қайта-қайта қўяверди. Амаки охири чидолмади, мусиқани ўчириб қўйишни талаб қилди. Агар қўшиқни диққат билан тингласангиз, қатор териб қўйилган маъносиз сўзлардан бошқа ҳеч нарса топмайсиз. Бу қўшиқ ижтимоий тармоқда рога айланди, миллионлаб ёш авлодди домага тортиди. Энди қўшиққа тақлидан қизил қўйлақлар сафи ортди.

Маданиятлар, қадриятлар абадий, деган тўхтаб йўқ. Ҳар кун янги-янги “маданий” қарашлар шаклланоқда. Бугун ёшлар кўраётган, олиб чиқаётган видеолар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетмайди. Унинг таъсир кучи келажак учун пойдевор вазифасини ўтайди. Уларни томоша қилаётган инсонларнинг ҳолати келажакка асос бўлади.

Даврнинг кўзга ташланган, ташланаётган бу каби турфа “ҳайратларига” этак силкиб кетадиган замон эмас. Хоҳлаймизми-йўқми,

улар ҳар бир хонадон эшигидан кириб бориб, ўша ерда келажакка замин тўйламоқда. Биз, аслида, келажакка раҳна солаётган бу каби оммавий маданият вакиллари тўхтаб қолмасак, улар бугун бошли ёш авлоднинг миссияси ўзларининг “вирус”ини жойлашда давом эттаверинди.

Ҳўш, бунга қарши нима қилиш керак? Боболардан қолган бир гап бор: “Заҳарни заҳар доволади”. Охори тўқилаётган қадим маданиятнинг, дунёнинг барҳаётлигини таъминлаган ва таъминлаётган инсонийликнинг, халқларни бирдамликка ушлаб турган ватанпарварлик руҳини ҳам ойнаи жаҳон ташқарисига кўчиришимиз керак. Яқинда ижтимоий тармоқда бир видеога кўзим тушди: Ватаннинг кенг осмонда ҳилираётган байроқни ёт кишилар пастга туширади. Буни кўрган деҳқон чўпон, олим курувчи — барча-барчаси шу байроқни тиклаш учун бир-бирининг елкасига чиқиб, минора ясади. Уни қайта тиклади. Байроқ бир қараганда оддий матодек қўйилди. Аммо унинг таъ-замирида Эрк атламиш инсоний туйғу мужжасам. У қанчалар баланд кўтарилса, унинг сови ташган заминда эрк куйи янрайди. Ҳа, шунингнинг барҳаётлиги, келажакка ишончи ортади. Тасаввур

қилиясиз-а, одамлардан минора. Балки бу ижтимоий тармоқнинг бир ўйланмасқидир. Аммо унинг замирида ҳақиқат бор — БИРДАМ-ЛИК. Яъни улар бир-бирига елка тутмоқда. Ватан учун. Ватан шаънини елкасиди кўтариб юришга тайёр миллат эса барҳаётдир.

Бугун дунёда кечаётган сиёсий жараёнларнинг таъсирини ҳеч бир давлатни четлаб ўтмайди. Омма эргашаётган ижтимоий тармоқ вакиллари ўз Ватанининг маънавий қиёфаси билан бир қаторда ўтмишдан то бугунги кунгача етиб келган аждоғларнинг қаҳрамонлик даъвоси, оммавий илминшларга қарши бир халқ гоёсига йўғрилган роликлар ола билса, унинг таъсир кўлами бугунги оммавийлик қиёфасидан кечса, улар Ватан учун хизмат қилган бўлади. Муаммолар кўлами ҳеч вақт тугамайди. Муаммоларни ечими бироқ роликлар орқалигина ечим мумкин.

Униб келаятган ёш авлоднинг кўксига даъво бўлиши керак — Ватан даъвоси. Улар барҳаёт келажакни қўзлаган, инсониятнинг азал ва абадга йўлда қиёфасини олиб чиқаётган оммавий роликларни кўпайтириши лозим.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**

МУАССИС: **Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси**

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 1425. 44034 нусxada босилди.

**Ҳажми** — 3 табоқ. **Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“Колограк” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манлиси: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмаҳона телефони: (788) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева  
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева  
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33    Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98    E-mail: info@yuz.uz    Веб-сайт: www.yuz.uz; (71) 233-47-05

ЎЗА якуни — 21:11    Топирилди — 23:45

